Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитети ва халқ депутатлари шаҳар Советининг органи

...зета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган. № 260 (7. 349) 1990 йил 15 ноябрь, пайшанба Баҳоси 4 тийин

МАШИНАСОЗЛАР ҚУВОНЧИ

⊙ ЎЗБЕКИСТОН тўқимачилик саноати машинасозлиги бирлашмаси ишчи-хизматчиларининг кайфияти кўтаринки руҳда. Чунки улар саноат корхоналариаро таъсис этилган ССЖИ вазирлигининг кўчма Қизил байроғини қўлга киритишди.

Улар ўн ой давомида шартнома мажбуриятларини 100 фоизга адо этишди. Бирлашма аъзолари 47 миллион 502 минг сўмлик маҳсулот ишлаб чиқаришни мўлжаллаган эдилар. Бу кўрсаткич 51 миллион 458 минг сўм қилиб бажарилди. Технологик жиҳозларни ишлаб чиқариш эса 2 миллион 252 минг сўмни ташкил этди.

М. СОДИҚОВ.

Бугунги кун нафаси

ЖУМҲУРИЯТИМИЗДА

⊙ 13 ноябрь куни Ўзбекистон ССЖ Президенти И. А. Каримов молия, ижтимоий таъминот, адлия, савдо, соғлиқни сақлаш вазирликлари, давлат режалаш, меҳнат ва ижтимоий масалалар, нарх, ҳисоб комитетлари, Ўзбекбирлашув, Ўзбекистон маиший маркази, Ўзбекистон касаба уюшмалари жумҳурият кенгаши, Ўзбекистон давлат банки, Ўзбекистон саноат қурилиш банки, Ўзбекистон деҳқончилик-саноат банки, Ўзбекистон уй-жой-ижтимоий банки, Ўзбекистон жамғарма банки, Ўзбекистон ташқи иқтисодий банки, Ўзбекистон инновация тижорат банки, бошқа идоралар раҳбарлари ва мутахассислари, жумҳуриятнинг етакчи иқтисодчи олимлари иштирокида кенгаш ўтказди.

⊙ Тошкентда Ўзбекистон ЛКЁИ Марказий Қўмитасининг IX пленуми бўлиб ўтди.

МАМЛАКАТИМИЗДА

⊙ ССЖИ Президенти М. С. Горбачев ҳарбий хизматчи депутатлар билан учрашди.

⊙ ССЖИ Президенти М. С. Горбачев Совет Иттифоқига расмий ташриф билан келган НАТО ҳарбий раҳбариятининг вакилларини Кремлда қабул қилди.

⊙ КПСС Марказий Қўмитасининг Котибияти «Правда» бош муҳаррири И. Т. Фроловнинг «Правда» хўжалик бирлашмаси тузиш тўғрисидаги таклифини маъқуллади.

⊙ Украина ССЖ Олий Кенгаши В. П. Фокинни жумҳурият Министрлар Кенгашининг Раиси этиб тайинлади.

⊙ Танаффусдан сўнг Кремлда ССЖИ Олий Кенгашининг тўртинчи сессияси яна ўз ишини бошлади.

ХОРИЖДА

⊙ ССЖИ Президенти М. С. Горбачевнинг Японияга бўлажак ташрифи иккала мамлакат ўртасидаги муносабатларда бурилиш аҳамиятига молик воқеа бўлиб қолиши керак. ССЖИ Олий Кенгашининг Раиси А. И. Лукьянов билан Япония ташқи ишлар вазири Т. Накаяма ўртасида бўлиб ўтган учрашув чоғида ана шундай фикр билдирилди.

⊙ Лондонда Буюк Британия Бош вазири М. Тэтчернинг Литва Олий Кенгаши Раиси В. Ландсбергис билан учрашуви бўлди.

⊙ Албания раҳбари Рамиз Алия парламентда сўзга чиқиб Албания конституциясида жиддий ўзгаришлар бўлишини маълум қилди.

⊙ Саудия Арабистони ҳукумати бундан буён мамлакат ҳудудида барча аёлларнинг машина ҳайдашини тақиқлади.

⊙ Суданда давлат тўнтаришига уринишнинг олди олинди.

⊙ Будапештдан хушхабар келди: бу ерда ўтказилаётган жаҳон биринчилигида 75 килограмм вазн тоифасида молдован Федор Кассапу учта олтин нишон соҳиби бўлди.

Бугунги кун нафаси

Эртага Тошкентда жумҳурият ўқитувчиларининг анжумани очилади

Ўзбекистон Совет Социалистик Жумҳурияти Президентининг ФАРМОНИ

БАРЧА ТУРДАГИ МАКТАБЛАРНИНГ ЎҚИТУВЧИЛАРИГА, БОЛАЛАР УЙЛАРИНИНГ ТАРБИЯЧИЛАРИГА ҚЎШИМЧА ИМТИЁЗЛАР БЕРИШ, ЮҚОРИ СИНФ ЎҚИТУВЧИЛАРИНИНГ ИШ ҲАҚИНИ ОШИРИШ ТЎҒРИСИДА

Мактаб ўқитувчилари ва ...лалар уйлари тарбиячила...нинг ижтимоий-маиший ва ...ддий шароитини яхшилаш, ...ар меҳнатини рағбатланти...шни кучайтириш мақсади...қуйидаги тадбирлар амал... оширилсин:

1. 1991 йилнинг 1 янва...дан юқори (V—XI) синф...р ўқитувчиларининг иш ҳа...дарс соатларини ҳафтаси... 18 соатдан 16 соатга ка...йтириш ҳисобига ойига ...та ҳисобда 15 фоизгача ...ирилсин.

2. «Халқ ўқитувчиси», ...изматкўрсатган халқ таъ...ми ходими» фахрий унвон...ри учун педагоглик маош...рига ва мансаб окладлари... ҳар ойда тўланадиган қў...мча ҳақ икки баравар кў...йтирилсин ҳамда тегишли ...вишда улар 100 ва 60 сўм ...либ белгилансин.

3. Қорақалпоғистон МССЖ ...азирлар Кенгаши, халқ де...татлари вилоят ва Тошкент ...аҳар кенгашлари ижроия ...миталари, вазирликлар ва ...оралар, корхоналар ва ...шкилотлар:

Мактаб ўқитувчилари ва ...лалар уйларининг тарбия...ларига улар яшаб тур...ларга қарашли уйлар ва квартираларни шахсий мулк сифатида бепул берсинлар;

Қишлоқ жойларда ва шаҳар типидаги қўрғонларда истиқомат қилаётган мактаб ўқитувчилари ва болалар уйларининг тарбиячилари квартира ҳақидан ва коммунал хизмат (сув таъминоти, газ, электр ва иссиқлик энергияси) ҳақини тўлашдан озод қилинсин. Шаҳарларда яшовчи мактаб ўқитувчилари ва болалар уйларининг тарбиячиларига квартира ҳақи ва коммунал хизмат ҳақининг 50 фоизи миқдорида имтиёзлар берилсин. Марказий иситиш системасига эга бўлмаган уйларда яшовчиларга белгиланган нормалар доирасида сотиб олинадиган ёқилғи ҳақи берилсин;

Мактаб ўқитувчилари ва болалар уйларининг тарбиячилари учун биринчи навбатда ер участкалари ажратиш ва якка тартибда уй қуриш учун бинокорлик материаллари сотиб олиши белгилансин.

Ушбу бандда кўзда тутилган имтиёзлар камида 10 йил педагоглик иш стажига эга мактаб ўқитувчилари ва болалар уйлари тарбиячилари бўлган пенсионерларга жорий этилсин.

4. ЎзССЖ Молия вазирлиги, Қорақалпоғистон МССЖ Вазирлар Кенгаши, халқ депутатлари вилоят ва Тошкент шаҳар кенгашлари ижроия комитетлари ушбу қонунни рўёбга чиқариш билан боғлиқ ҳаражатларни жумҳурият ва маҳаллий бюджетлар маблағи ҳисобига амалга оширсинлар.

5. Ўқитувчилар ва болалар уйлари тарбиячиларининг турмуш шароитини яхшилаш тўғрисида доимий ғамхўрлик қилиш, ёш авлоднинг уйғун камол топиши учун зарур шарт-шароит яратиш вазирликлар, идоралар, корхоналар, ташкилотлар, колхозлар ва совхозлар раҳбарларининг асосий бурчи деб ҳисоблансин.

Ўзбекистон Совет Социалистик Жумҳуриятининг Президенти И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри, 1990 йил, 13 ноябрь.

— Ўзбекистон Совет Социалистик Жумҳурияти Президентининг «Барча турдаги мактабларнинг ўқитувчиларига, болалар уйларининг тарбиячиларига қўшимча имтиёзлар бериш, юқори синф ўқитувчиларининг иш ҳақини ошириш тўғрисида»ги Фармони биз, ўқитувчиларнинг турмуш шароитини яхшилаш борасидаги доимий ва амалий ғамхўрликнинг ёрқин далилидир, — дейди Тошкентдаги 23-мактабнинг кекса ўқитувчиси Муҳаббат Мирабдиева. — Бу ғамхўрликка жавобан бизлар келажагимиз бўлган фарзандларимизга пухта билим берамиз.

⊙ СУРАТДА: 36 йилдан бери ўқитувчилик қилиб, «Ўзбекистон ССЖ халқ маорифи аълочиси», «Меҳнат кексаси» номларига сазовор бўлган М. Мирабдиева дарс ўтиш жараёнида.

Р. Альбеков сурати.

МУКОФОТ МУБОРАК!

ЎЗБЕКИСТОН СОВЕТ СОЦИАЛИСТИК ЖУМҲУРИЯТИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

Жумҳурият халқ таълими ходимларига Ўзбекистон ССЖ фахрий унвонлари бериш, Ўзбекистон ССЖ фахрий ёрлиғи билан мукофотлаш тўғрисида

Ёш авлодга таълим ва тарбия бериш, малакали педагогик ходимларни етиштиришдаги кўп йиллик самарали меҳнати ва катта хизматлари, мактаб ҳамда халқ таълимининг бошқа муассасаларида ўқув-тарбия жараёнини қайта қуришда фаол қатнашаётганликлари учун қуйидагиларга Ўзбекистон ССЖ Фахрий унвонлари берилсин, Ўзбекистон ССЖ Фахрий ёрлиғи билан мукофотлансин:

«ЎЗБЕКИСТОН ССЖ ХАЛҚ ЎҚИТУВЧИСИ» ФАХРИЙ УНВОНИ

АБЗАЛОВ Ғиёс Алимович — Тошкент шаҳридаги 148-мактаб директори.

МУҲАМЕДЖОНОВА Кира Григорьевна — Тошкент шаҳридаги 110-мактаб ўқитувчиси.

«ЎЗБЕКИСТОН ССЖда ХИЗМАТ КЎРСАТГАН ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ХОДИМИ» ФАХРИЙ УНВОНИ

ТОШКЕНТ ШАҲРИ

АБДУЛЛАЕВА Қумри Абдуллаевна — Т. Н. Қори Ниёзий номли Ўзбекистон Педагогика фанлари илмий-тадқиқот олийгоҳининг бўлим мудири.

АКМАЛОВ Акром Аҳмедович — К. Д. Ушинский номли республика ўқитувчилар малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш Марказий олийгоҳининг хона мудири.

АҲМЕДОВА Назирахон — Октябрь ноҳиясидаги 41-мактаб директори.

ГРАЧЁВ Михаил Степанович — Ҳамза ноҳиясидаги 33-ўрта ҳунар-техника билим юртининг ҳарбий таълим ўқитувчиси.

ЁҚУБОВ Леви Маниевич — Низомий номли Тошкент давлат педагогика олий илмгоҳининг профессори.

ЗОКИРОВ Мухсин Толипович — пенсионер, Октябрь ноҳиясидаги 42-мактабнинг собиқ ўқитувчиси.

ЗАХАРИНА Мария Шевельевна — Ўзбекистон жумҳурият рус тили ва адабиёти педагогика олий илмгоҳининг кафедра мудири.

ҚОДИРОВА Хотима — Собир Раҳимов ноҳиясидаги 24-мактаб ўқитувчиси.

КАМОЛОВА Санобар — Октябрь ноҳиясидаги 59-мактаб директори.

КАМОЛОВА Саодат Ниғматовна — Ю. Ражабий номидаги Тошкент педагогика билим юртининг ўқитувчиси.

КАРИМОВ Эргаш — В. И. Ленин номли Тошкент педагогика билим юрти директорининг ўринбосари.

ҚУРБОНОВ Тўхта — Низомий номли Тошкент давлат педагогика олий илмгоҳининг декани.

ЙЎЛДОШЕВ Халил — Низомий номли Тошкент давлат педагогика олий илмгоҳининг доценти.

ЙЎЛДОШЕВ Ҳамидулла Пўлатович — пенсионер, Собир Раҳимов ноҳиясидаги 24-мактабнинг собиқ ўқитувчиси.

МИРАҲМЕДОВ Мирҳамид — Октябрь ноҳиясидаги 84-мактаб директори.

МИХАЙЛОВА Людмила Ефимовна — Киров ноҳиясидаги 260-мактаб ўқитувчиси.

НЎЪМОНОВ Ҳабибулло — Ўзбекистон ССР Халқ таълими вазирлиги ходимлар ва халқ таълими ташкилотлари билан ишлаш бошқармасининг бошлиғи.

ПЎЛАТОВ Тинчивой Жўраевич — Собир Раҳимов ноҳиясидаги 45-мактаб директори.

РАСУЛОВА Марҳамат Маҳмудовна — Ҳамза ноҳиясидаги 216-мактаб ўқитувчиси.

ҲАЙДАРОВ Тўлқин Ҳайдарович — Акмал Икромов ноҳиясидаги 193-мактаб ўқитувчиси.

ХЛИЗОВА Вилена Михайловна — Фрунзе ноҳиясидаги 91-мактаб ўқитувчиси.

ҲУСАНОВ Мухсин — Тошкентдаги 1-саноат педагогика билим юртининг ўқитувчиси.

ФЕЛИЦИАНТ Валентина Григорьевна — В. И. Ленин номли Жумҳурият кашшофлари ва ўқувчилари саройи директорининг ўринбосари.

ЭШОНХЎЖАЕВА Озода — Н. К. Крупская номли Тошкент педагогика билим юртининг директори.

ЎЗБЕКИСТОН ССЖ ФАХРИЙ ЁРЛИҒИ ТОШКЕНТ ШАҲРИ

АБДУЛЛАЕВА Раъно — Киров ноҳиясидаги 143-мактаб ўқитувчиси.

АВТОНДИЛОВ Анатолий Маркович — Жумҳурият мусиқий тарбияланувчилар мактаб-интернатининг мусиқачиси.

АҲМЕДОВА Масуда Патхуллаевна — Акмал Икромов ноҳиясидаги 197-мактаб ўқитувчиси.

ВАКУЛЕНКО Иван Петрович — 11-ўрта ҳунар-техника билим юрти директорининг ўқув-тарбиявий ишлар бўйича ўринбосари.

ДЕҲҚОНОВА Равиля Фозиловна — Чилонзор ноҳиясидаги 168-мактаб ўқитувчиси.

ЖАЛИЛОВА Гулчеҳра Мирмаҳмудовна — Марказий ёш техниклар кўнимгоҳи кутубхонасининг мудираси.

ИСРОИЛОВ Исмоил Мамасодиқович — Ўзбекистон ССЖ Халқ таълими вазирлиги ҳунар-техника таълими Жумҳурият маданият уйи қошида ташкил этилган «Гулруҳ» халқ фольклор-этнографик дастасининг раҳбари.

ҚОДИРОВ Баҳром Ғофурович — Ўзбекистон ССЖ Халқ таълими вазирлиги педагогика, фан ходимларини тайёрлаш ва малакасини ошириш Бош бошқармасининг бошлиғи.

КАДУШКИНА Зинаида Фёдоровна — Фрунзе ноҳиясидаги 176-мактаб ўқитувчиси.

МИРҚУРБОНОВ Насрулло Мирсултонович — Ўзбекистон ССЖ Халқ таълими вазирлиги Жумҳурият ўқув-методика марказининг директори.

НУРМУРОДОВА София Хўжаёровна — Жумҳурият рус тилини чуқур ўрганиш ва кучайтирилган равишда ҳарбий-жисмоний тайёргарликка асосланган махсус мактаб-интернатнинг ўқитувчиси.

НУРМУҲАМЕДОВА Васила Абдуллаевна — Собир Раҳимов ноҳиясидаги 28-мактаб директорининг ўқув-тарбия ишлари бўйича ўринбосари.

САИДХЎЖАЕВА Матлуба Ашраповна — Сергели ноҳиясидаги 104-мактаб ўқитувчиси.

СЕВАСТЬЯНОВА Раиса Степановна — Фрунзе ноҳиясидаги 172-мактаб ўқитувчиси.

ТОШПЎЛАТОВ Жумабек Акимқулович — Ҳамза ноҳияси 230-мактаб ўқитувчиси.

ТУРОПОВА Машкура — Жумҳурият ёш техниклар қўнимгоҳининг методисти.

ҲУСАИНОВ Анвар Орифович — Ўзбекистон ССЖ Халқ таълими вазирлиги қошидаги халқ таълими бўйича Жумҳурият давлат назоратининг бошлиғи.

ШАИН Ефим Григорьевич — Ўзбекистон ССЖ халқ таълими вазирининг педагогик маслаҳатчиси.

ШОМАНСУРОВ Шомухтор Шоқосимович — Ўзбекистон ССЖ Халқ таълими вазирлиги ўқув китоблари ва ҳужжатларини нашр этишни режалаштириш бўлимининг бошлиғи.

ШАФИЕВ Марат — Ўзбекистон ССЖ Халқ таълими вазирлиги умумий ўрта таълим Бош бошқармасининг етакчи назоратчи-методисти.

ЯСТРУБИНИЦКИЙ Борис Аронович — Куйбишев ноҳияси ўқувчиларга меҳнат таълими бериш мактаблараро тажрибавий ўқув ишлаб-чиқариш бирлашмасининг директори.

Ўзбекистон Совет Социалистик Республикаси Президенти И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри. 13 ноябрь 1990 йил.

Рўзноманинг шу сонига

ЁШ АВЛОД КЕЛАЖАГИ ЙЎЛИДА

⊙ Ўзбекистон ССЖ Президентининг мактаб ўқитувчиларига ва болалар уйларининг тарбиячиларига қўшимча имтиёзлар бериш тўғрисидаги Фармони — жумҳурият ўқитувчиларининг ижтимоий мавқеи ва вазифасига юксак баҳо берилаётганлигининг ифодасидир.

Шу Фармон муносабати билан мухбиримиз Ўзбекистон ССЖ халқ таълими вазирининг ўринбосари, Тошкент шаҳар халқ таълими Бош бошқармасининг бошлиғи Ҳамидулла Қаюмович ЙЎЛДОШЕВ билан учрашиб унга бир неча саволлар билан мурожаат қилди.

— Ўзбекистон Совет Социалистик Жумҳурияти Президентининг «Барча турдаги мактабларнинг ўқитувчиларига, болалар уйларининг тарбиячиларига қўшимча имтиёзлар бериш, юқори синф ўқитувчиларининг иш ҳақини ошириш тўғрисида»ги Фармони ёш авлод ҳақидаги ғамхўрликнинг ифодасидир. Ҳозир шаҳримизда 296 та мактаб бўлиб, бунда 19523 ўқитувчи 273 минг ўқувчига билим бермоқда. Шулардан 11 минги 5 — 11-синф ўқитувчилари ҳисобланади. Президентимизнинг Фармонига қадар бу ўқитувчиларнинг ўртача ойлиги 240 сўмни ташкил этган бўлса янги йилнинг 1 январидан бошлаб 270 сўм бўлади.

— Ҳамидулла Қаюмович, олдинлари, бундан ўттиз, қирқ йил муқаддам ўқитувчиларнинг обрўси жуда баланд эди. Кўпчилик шу касб эгаси бўлишни ўзи учун фахр деб ҳисобларди. Бугунги кунга келиб ўқитувчилик касбини ташлаб кетаётганлар ҳам йўқ эмас. Бунинг боиси нимада!

— Ўқитувчининг меҳнатига тўғри баҳо бериш, уларнинг ижодий ўсишини рағбатлантириш, амалий малакасини ва ўз меҳнати натижаларидан манфаатдорлигини ошириш даркор. Мана олдинлари ўқитувчининг обрўси баланд эди, деяпсиз. Чунки ўша даврда энг кўп ойликни ўқитувчилар олишарди. Юриш, туришда бошқаларга ибрат эдилар. Бугунги кунга келиб шаҳримизда эркак — домла ўқитувчилар сони жуда камайиб кетди. Ҳозир шаҳримиздаги ўқитувчиларнинг 84 фоизини хотин-қизлар ташкил этади. Яна бунинг устига ҳозир шаҳримизда 800 ўқитувчи етишмайди. Шу йилнинг тўққиз ойи ичида ҳар хил сабабларга кўра 950 ўқитувчи ўз ишини ташлаб кетди. Ўйлайманки Президентимизнинг бу Фармони ўқитувчиларнинг ижтимоий ҳимояланишини таъминлаш, ана шу олийжаноб касб эгаларининг обрў-эътиборини ошириш йўлидаги янги аниқ қадамлардан бири бўлади.

Бугун яна бир Фармон билан бир гуруҳ ўқитувчиларга «Ўзбекистон ССЖ халқ ўқитувчиси», «Ўзбекистон ССЖда хизмат кўрсатган халқ таълими ходими» фахрий унвонлари билан бир қаторда Ўзбекистон ССЖнинг фахрий ёрлиқлари берилди.

— Фармонда мактаб ўқитувчилари ва болалар уйларининг тарбиячилари учун биринчи навбатда ер участкалари ажратиш ва якка тартибда уй қуриш учун бинокорлик материаллари сотиб олиши кўрсатилган. Бу борада шаҳримиз ўқитувчилари ва болалар уйларининг тарбиячиларига қандай ғамхўрлик кўрсатилмоқда!

— Бизнинг соҳамизда ишлаётганлар учун ўтган йили 74 та, бу йил эса 100 та хонадон берилди. 42 ўқитувчига участка ажратилди. 500 киши эса участка олиш учун навбатда турибди. Умуман уй олиш учун навбатда турганлар сони кўпчиликни ташкил этади. Шаҳарларда яшовчи мактаб ўқитувчилари ва болалар уйларининг тарбиячиларига хонадон ҳақи ва коммунал хизмат ҳақининг 50 фоизи миқдорида имтиёзлар берилганлиги, марказий иситиш системасига эга бўлмаган уйларда яшовчиларга белгиланган нормалар доирасида сотиб олинадиган ёқилғи ҳақининг белгиланганлиги, давлат уйлари ва квартираларининг шахсий мулк сифатида ўқитувчиларга топширилиши, шунингдек коммунал хизматларга доир имтиёзлар тўғрисидаги қарор бозор иқтисодиётига ўтиш даврида жумҳурият ўқитувчилари учун алоҳида муҳим аҳамият касб этади.

Ўқитувчилар тўғрисида ғамхўрлик қилиш — бу келажак авлод ҳақида ғамхўрлик қилишдир.

Президентимизнинг бу Фармони ўқитувчи ва болалар уйлари тарбиячиларининг зиммасига янада масъулият юклайди.

Суҳбатдош Р. ФАЙЗУЛЛАЕВ.

ССЖИ ДАВЛАТ НАРХ ҚЎМИТАСИДА

«Халқ хўжалигини барқарорлаштириш ва бозор иқтисодиётига ўтишнинг асосий йўналишлари»га мувофиқ истеъмол бозорини нормаллаштириш, чайқовчилик ва меҳнатсиз даромадларга қарши курашни кучайтириш, камёб халқ истеъмол моллари ишлаб чиқаришни кенгайтириш мақсадида ССЖИ Вазирлар Кенгаши 1990 йил 15 ноябрдан аҳоли турмуш даражасига унчалик таъсир кўрсатмайдиган зеб-зийнат буюмлари ва бир қанча молларнинг шартномавий (эркин) чакана нархларини шакллантиришга ўтиш тўғрисида қарор қабул қилди. Жумладан, заргарлик буюмлари; катталар учун табиий мўйнадан тикилган буюмлар; гиламлар ва гилам буюмлари; бадиий юксак даражада тайёрланган чинни ва фаянс буюмлар, биллурдан ясалган буюмлар, юқори даражадаги техник жиҳатдан мураккаб радиоэлектрон буюмлар, юқори сифатли мебелнинг айрим турлари, гарнитурлар, бадиий юксак даражада бажарилган тўпламлар; чет элда ишлаб чиқарилган бир қанча моллар; енгил автомобилларга эҳтиёт қисмлар; тансиқ балиқ маҳсулотлари ва гўшт маҳсулотлари айрим турларининг нархи ана шу қоидалар асосида белгиланади. Бу рўйхатга шунингдек чет элда ишлаб чиқарилган моллар, жумладан виски, жин, Америка сигареталари қўшилади.

Чакана нархлар молларни тайёрлаган корхоналар томонидан савдо ташкилотлари билан келишилган ҳолда бозордаги аҳволни ҳисобга олиб (таркиб топган талаб ва таклиф асосида) белгиланади.

Ушбу молларга Шартномавий (эркин) нархларни белгилаш воситаси тўғрисидаги низом тасдиқланди.

Ушбу тадбирларни амалга ошириш халқ истеъмол моллари ишлаб чиқаришни кўпайтириш ва улар билан бозорни мўл-кўл таъминлаш учун қўшимча омиллар вужудга келтириш имконини беради.

ДЎСТЛИК ҚЎШИҒИ

⊙ БУНДАН ТЎРТ йил илгари тузилган «Бунгулур» ҳаваскорлик фольклор дастаси Ғарбий Бенгалия штатидагина эмас, айни бир вақтда бутун ҳинд диёрида яхши танилиб қолди.

Иттифоқимизда жуда оммалашган машҳур «Катюша» қўшиғини ҳам даста аъзолари севиб ижро этадилар. Мана шу жозибадор қўшиқ яқинда Тошкентда баралла янгради.

Гап шундаки, «Бунгулур» жамоаси ҳам кўҳна Бухорода ўтган Шарқ халқлари қўшиқлари фестивалига таклиф этилган эди. Ҳиндистонлик бадиий ҳаваскорлар ўз ватанига қайта туриб, гўзал Тошкентимиз билан танишдилар. Улар Тошкент давлат дорилфунуни Шарқ факультети талабалари билан ҳам учрашдилар.

Ёшлик бор жойда шодлик бор деганларидек, дўстлар даврасида «Катюша» қўшиғи ҳам завқ-шавқ билан куйланди. Бўлажак шарқшунослар эса Радж Капур суратга олган «Дайди» фильми қўшиқларини ижро этдилар.

С. ОДИЛОВА.



⊙ Тошкент экскаватор заводида асосий маҳсулот билан бир қаторда халқ истеъмоли молларини ишлаб чиқаришга ҳам катта эътибор берилмоқда.

СУРАТДА: халқ истеъмоли моллари цехининг илғор ишчиларидан Александр Филькин.

Т. Каримов сурати.

— Зоҳиджон Зокирович, сизнинг назарингизда, қайси қонда айниқса танқидталаб бўлиб турибди?

— Назаримда, хусусийлаштиришга урғу берилгани, яъни давлат мулкини хусусий қўлларга ўтказишга катта эътибор берилгани танқидталаб бўлиб турибди. Биз бошқа мамлакатларнинг тажрибасини тузукроқ ўрганганимиз йўқ, ҳолбуки шу мамлакатлар ана шундай тажрибаларнинг нохуш оқибатларини бошларидан кечиришди. Яқинда Ўзбекистонга келиб кетган Туркия мутахассисларининг фикрича, бу мамлакатда бундан 10 йил муқаддам хусусийлаштиришни бошлашган эди. Хўш, натижаси қандай бўлибди? Тажриба бошланишидан илгари миллий мулкнинг ярми хусусий қўлларда бўлган мазкур мамлакатда жуда муҳим иқтисодий иншоотларни кетма-кет чет эл компаниялари, аввало япон компаниялари ўз қўлларига ола бошладилар. Шоша-пиша хусусийлаштиришни бошқа ўзанга буришга тўғри келди. Биз бир вақтлар Туркия тушиб қолган вазиятга нисбатан мураккаброқ аҳволдамиз. Мамлакатимиздаги миллий бойликларнинг 90 фоиздан кўпроғи давлатга қарашли. Хўш, нима қилмоқ керак?

Ватанимиздаги кўпчилик иқтисодчилар давлат мулкини, кимки бунга шай бўлиб турган бўлса, ҳаммага, жумладан хусусий шахсларга сотиб юборишни таклиф қилмоқдалар. Келинг, аввало фуқароларимиздан: сизда шундай истак борми, деб сўрайлик. Умумиттифоқ миқёсида оладиган бўлсак меҳнаткашларнинг омонат кассаларидаги жамғармаси миллионлаб сўм билан ҳисобланар экан. Хабар қилишларича шу меҳнаткашлар 100 миллион сўмлик ишлаб чиқариш воситаларини сотиб олишларига умид боғлаш мумкин эмиш. Лекин социологик тадқиқотларнинг натижалари бошқачароқ бўлиб турибди. Бу тадқиқотлар шундан далолат берадики, фарқ тобора ошиб бораётган пайтда одамлар «қора кун» келишини ўйлаб энг зарур нарсаларни жамғариб қўйишга мойилдирлар. Жаҳон тажрибаси ҳам худди шундан далолат бериб турибди. Аҳолидан мулкни тортиб олиш осонроғу, уни эгасига топшириш қийинроқ экан. Яна шуниси ҳам борки, бизнинг мамлакатимизда давлат мулки умумхалқ мулкидир.

— Илгари шундай деб ҳисобланар эди. Ўзбекистон Олий Кенгашининг III сессиясида жумҳурият Вазирлар Кенгашининг Раиси бу ҳақда рўй-рост айтди.

— Шундай, лекин бу мулкни бутун халқ ўз меҳнати билан топди. Демак, хусусийлаштириш ҳақида эмас, балки умумий куч-ғайратлар сарфлаб, вужудга келтирилган мулкни денационализация (маҳаллийлаштириш) ҳақида гапириш жоиз бўлур эди. Шундай қилиб мулк тақсимлаб берилаётганида фақат хусусий одамларгина бўлиши керак эмас. Хусусий одамлар қўлида кичик ошхоналар ва кафелар, дўконлар, сартарошхоналар ва бошқа шунга ўхшаш нарсалар бўлса бас. Мабодо гап анча муҳим давлат мулки, яъни ишлаб чиқариш соҳасидаги ўртача ва йирик иншоотлар ҳақида борар экан, бу бошқа масаладир. Буларни посёлка ва ноҳия Советларига, маҳаллаларга бериш лозим. Биз жумҳуриятнинг ўзига хос шарт-шароитларини ҳисобга олишимиз керак. Бу ерда неча асрлардан буён жамоанинг ижтимоий тажрибалари таркиб топган. Бозорга ўтишнинг навбатдаги босқичидагина мулкни хусусий қўлларга бериш маъқул бўлур эди.

— Сизнинг фикрингизча маҳалла катта корхоналарни ўз қўлига олишга ва у ерда ишни зарур даражада ташкил этишга тайёрми? Шуниси аёнки, маҳаллада анчагина ортиқча меҳнат ресурслари бор. Бу ғап аввало аёлларга дахлдордир. Маҳаллаларда ҳунармандчиликнинг усталари ҳам бор. Аммо янги шароитда ишлаш учун шунинг ўзи етарли бўлармикан? Мабодо зарур ускуна бўлса, айтайлик ҳозир тақчил бўлиб турган микросхемаларни ишлаб чиқаришни маҳаллада ўзлаштириш мумкин бўлармикин?

— Нега энди мумкин бўлмас экан? Шарқий Осиёдаги ривожланган мамлакатларнинг тажрибаси шундан яққол далолат бериб турибди. Ана шу мамлакатларнинг илгариги аҳволи бизнинг қишлоқларимиздаги ҳозирги аҳвол сингари оғир бўлган. Аммо, ҳар қалай мен сизнинг саволингизга дангал жавоб бермоқчиман. Шу кунда, шу тобда маҳалла бундай ўзгаришларга тайёр эмас. Шай бўлмасликнинг боиси шундаки, ҳозирги маҳаллалар илгариги маҳаллалар эмас. Неча ўн йиллардан буён маҳаллани тўлақонли ҳаёт кечириши учун зарур бўлган иқтисодий, сиёсий ва ижтимоий таянчлардан маҳрум этдилар. Энди унинг ҳозирги аҳволига ажабланмаса ҳам бўлади. Буни қарангки, ҳатто маданият уйлари ҳам маҳаллага эмас район идораларига қарам. Бундан буён маҳаллаларнинг қаддини тиклаш, шу боисдан маҳаллалар ва бошқа жамоаларни денационализациялаш чоғида солиқлардан озод қилиш керак. Бу денационализациянинг таркибий қисми бўлиши лозим; бу эса уларга моллар ишлаб чиқариш ва хизматлар кўрсатишни кенгайтириш, қарз бериш, валюта тушумларини ҳам қўшиб айтганимизда фоизсиз омонатлар қўйишга имкон беради. Буларнинг ҳаммаси маҳаллаларга иттифоқдош жумҳуриятларнинг бозорлари билан бир қаторда ташқи бозорга чиқишга ҳам имкон беради, айни вақтда кадрларга таълим бериш ва тайёрлаш масалалари, бошқа қўпгина масалаларни ҳал этишга кўмақлашади.

— Очиғини айтсам, сизнинг эҳтимолки, орзу-ҳавас қилинган, аммо ҳақиқатда таркиб топмаган шароитларда бозорга ўтиш ҳақидаги таклифларингиз мени ҳайрон қолдирмоқда. Сизга маълумки, ҳали ривожланмаган, аммо бозор муносабатлари шароитида яшаган маҳалла неча асрлар мобайнида таркиб топди. Ҳозирги маҳаллалар қўлида эса маҳаллалар қўмитаси тўғрисидаги Низомгина бор, холос. Низом лойиҳаси эълон қилинганидан кейин муҳаррирятимизга келган хатлар шундан далолат бериб турибдики, мазкур Низом маҳалла аҳли ҳаётида жиддий ўзгаришлар бўлишига олиб келмайди. Сизнинг фикрингизча, маҳаллаларда ижара соҳаларн жамоасига нисбатан бозор иқтисодиётига камроқ талафотлар билан ўтиш учун имкониятлар бор эканда?

— Маҳалладаги таяниш — янги иқтисодий шарт-шароитларга жумҳуриятимизнинг тезроқ ўтиши демократия билан унча қовушмай турибди.

— Кечирасиз, уқиб ололмадим.

— Тушунтираман. Демократия иқтисодиёти соғлом бўлган мамлакатларга қўл келади. Ушбу мамлакатларнинг фуқаролари ижтимоий ҳаётга жиддий зарар етказмасдан муносабатларни ойдинлаштириб олишлари мумкин. Маълумки, турли-туман алоқаларда фақат мулкдоргина ишончли шерик бўлиши мумкин. Кўриниб турибдики, фақат бозоргина демократияни рўёбга чиқара олади. Бозор эса биздан ҳали анча олисда. Айни пайтда тарих сабоқларини унутмасак яхши бўлар эди. Бу сабоқлар шундан далолат бериб турибдики, бозорга ўтиш босқичида фақат якка ҳокимлик тузумигина жамиятнинг барча кучларини жипслаштира олади.

— Сиз айтмоқчисизки...

— Мени тўғри уқиб олишингизни истар эдим. Мен мамлакатимиз тажрибасидан ҳаммамизга яхши маълум бўлган яккаҳокимлик тузумига қайтишга даъват этаётганим йўқ. Ўзимиздаги яккаҳоким тузум иқтисодий эркинлик бермагани учун ҳам номақбул эди. Эндиликда эса иқтисодий ислоҳотни амалга оширишга ҳам имкониятларидан биридир холос. Қариндош-уруғлардан таркиб топган тузилмалар, оилавий ишлаб чиқаришларнинг бунёд этилиши яна ҳам самаралироқ бўлишини истисно этиб бўлмайди. Улар борабора маҳаллага пайванд бўлиб кетадилар.

— Агар сиз ишлаб чиқаришга тадбиқ этишнинг япон моделини назарда тутаётган бўлсангиз, ушбу мамлакатдаги фирма аъзоларининг қариндош-уруғлиги бизнинг қўпгина ишбатан бошқачароқдир.

— Тўғри, Японияда қариндошуруғчилик эмас, балки бизнинг фирмамиз оиламиздир деган қоидага амал қиладилар. Ўзбекистондаги миллий хусусиятлар ҳам худди шундай қоидага амал қилиб ишлаб чиқаришни ташкил этиш учун мақбулдир. Шунинг учун ҳам биз ривожланган Шарқий Осиё мамлакатлари тажрибасига суянишимиз даркор. Уларнинг шахслар ўртасидаги мустаҳкам алоқалар ҳисобига олиниб тузилган иқтисодий модели Ғарбдаги шахсларнинг рақобатига асосланган моделидан самаралироқ бўлиб чиқди. Японияда, Жанубий Кореяда, Тайванда, айниқса Малайзия ва Сингапурда ишлаб чиқаришнинг йўллари ўрганиб келинган. У ерда рақобат йўқ, балки бир-бирини узвий тўлдириш бор. Оқибатда тараққиёт жадаллашмоқда.

— Агар юмшоқроқ қилиб айтадиган бўлсак, жумҳуриятимиздаги бўлажак бозорга киноя билан қарашларчи? Бунга нима дейсиз?

— Бошқача бўлиши ҳам мумкин эмас. Орадан бир неча авлодлар ўтиб кетди. Улар мулкдорликнинг ўзи нималигини тасаввур этолмайдилар. Феъл-атворни ўзгартириш жуда мураккаб, бунинг учун имконият яратилиши керак. Биз жумҳуриятимизда ва мутахассислари уюшмаси аъзолари билан биргаликда «мустақил Ўзбекистон» режасининг негизини ишлаб чиқдик. Ушбу режа кўриб чиқиш учун жумҳуриятимиз раҳбариятига тақдим этилди. Режанинг номидан шу нарса аён бўлиб турибдики, биз Ўзбекистоннинг яхлит модели ҳақида гапирмоқчимиз.Бу модель жаҳоннинг хўжалик алоқалари системаларига бевосита боғланиб кетади. Биз шундай бир собит фикрга асосландикки, иқтисодий ислоҳотларни ижтимоий ислоҳотлардан, яхлитроқ қилиб айтадиган бўлсак, сиёсий ислоҳотлардан ажратиб олиб ўтказиш мумкин эмас. Ўн йилликни мўлжаллаб иш бошлаш ва одамларга рўй-рост айтиш керак: даставвал ҳаммага ҳам осон бўлмайди. Аммо беш йил ўтгандан кейин мана бундай, мана бундай натижаларга эришамиз. Яна беш йилдан сўнг эса бундай самараларга эришамиз. Аввал мушкул бўлиши учун ҳам миллат жипслашуви лозим. Афсуски, бирлашишга оширишга учун қулай замин бўлмиш жипслашувсиз иқтисодий ислоҳотни амалга ошириб бўлмайди. Шунинг учун ҳам демократия босқичма-босқич юзага келиши керак. Сиз ҳойнаҳой, бундай далилга нечоғлик ишонса бўлади, деб сўрашингиз мумкин. Париждаги сиёсий тадқиқотлар институтининг эълон қилинган асарларини тилга олиб ўтмоқчиман. Сиёсатшунослар турли мамлакатлар, шу жумладан, энди ривожланаётган мамлакатларнинг тажрибасини таҳлил этиб, шундай нохуш хулосага келдиларки, бунинг маъзи қуйидагидир: демократия ва иқтисодий тараққиёт кўпинча бир-бирини истисно этади.

— Ижозатингиз билан фикрингизга қўшилмоқчи эмасман...

— ...Сизни шундай имкониятдан бебаҳра этиш учун фикримни ойдинлаштирмоқчиман: бизда демократияни кўпинча мавҳумроқ тушунмоқдалар. Ахир демократия эркинликларни кенгроқ қўламда, яъни сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий эркинликларни қамраб оладику. Бозорга ўтишни иқтисодий эркинликлардан бошламоқ керак. Кейинчалик бу турмушнинг бошқа соҳаларида ҳам инсон эркинлигига олиб келади. Яна бир карра Шарқий Осиёдаги муваффақиятли ривожланиб бораётган мамлакатларнинг тажрибасини тилга олмоқчиман. Аниқроқ айтганда, Жанубий Корея тажрибасига тўхталмоқчиман. Неча йиллар мобайнида бизга: Чон-Ду-Хван золим ҳукмдор. У бутун халқни Американинг иқтисодий қудрати исканжаси билан эзиб келмоқда, у жамлакатни жар ёқасига олиб келди, деб уқтириб келишди.

— Ахир Жанубий Корея аҳли ўша ҳукмдорга қарши чиқиб, полиция билан олишувларда иштирок этмаганмиди?

— Ҳа. Аммо аввало мамлакат аҳлининг қорни тўйди. У яхши кийинди. Дўконлар пештахталарида мол тўлиб-тошиб кетди. Фақат шундан кейингина кенг демократик эркинликлар зарур бўлиб қолди. Яъни, Жанубий Корея Европа билан «баҳс бойлашадиган» бўлиб қолди. Қаддини ростлаётган миллатни болага қиёсласа бўлади. Ундан ҳамиша кўз-қулоқ бўлиб туриш керак, акс ҳолда у ўзига зиён-заҳмат етказиши мумкин. Ваниҳоят, мен диктатуранинг тарафдори эмаслигимнинг далили сифатида (ўша диктатуранинг ўзи ҳам жуда тор маънода тушунилмоқда) бир омилга диққатингизни қаратмоқчиманки, ушбу омил диктатурага жиддий тарзда қарши чиқиши мумкин ва лозим.

Уйғун ривожланаётган мамлакатларда фуқаролар жамиятлари бор. Бу жамиятлар давлатга қарашли бўлмаган идоралардан иборат бўлиб, уларнинг фаолиятини шу жамиятларнинг аъзоларигина назорат қилиб турадилар. Давлат ва фуқаролар жамияти манфаатларининг мувозанати мамлакат тараққиётини таъминлайди. Биз фуқаролар жамиятини бунёд этишимиз учун неча ўн йиллар зарур бўлади. Лекин бундай жамият жуда зарур. Бунинг боиси бор, албатта. Мисоллар айтиб ўтмоқчиман.

Давлат бозор иқтисодиёти шароитларида, одатда аҳолининг бошланғич ва тўлиқсиз ўрта таълимига кетадиган харажатларни ўз зиммасига олади. Тўлиқ ўрта таълимга бўладиган харажатларни АҚШ сингари жуда бой мамлакатларгина ўз зиммаларига олишлари мумкин. Хўш, ким фуқароларга илм олиш имкониятларини бериши мумкин. Фуқаролар жамиятнинг муассасалари ё ҳақ олиб, ёки бепул ана шу вазифаларни ўз зиммаларига олишлари мумкин, бунда албатта ўқимоқчи бўлган йигит ва қизнинг қобилияти ва мамлакат аҳлининг хайр-эҳсонга нечоғли қурби етиши асос бўлади. Ҳуқуқни муҳофаза этиш фаолияти ҳам фуқаролар жамиятининг юмуши бўлиб қолади. Давлат хавфсизлиги ва чет элдан бўладиган ҳуружлар эса бошқа гап. Бизда давлат ўзига хос бўлмаган юмушларни зиммасига олди ва оқибатда бизга дурустроқ таълим ҳам бераётгани йўқ, кўчакўйда тартиб ҳам ўрната олмаяпти.

— Хўш, биз жиноятчилик ва омилликка қарши қандай курашмоғимиз керак?

— Жиноятчиликнинг жиловини тортиб қўймоқ учун муниципалитет милициясини тузиш,буни истиқомат жойларидаги ижтимоий тузилмаларга топшириш керак. Таълим ҳақида гапирадиган бўлсак, мен бу масала ҳақида батафсилроқ тўхталиб ўтмоқчиман. Бизнинг комиссиямиз бошқарув кадрлари, муҳандис ва илмий кадрлар тайёрлаш билан шуғулланади. Тўғрироғи, шу масалалар билан шуғулланишга уринмоқда. Чунки бу муаммолар енгил муаммолардан эмас. Ҳозирча биз янги иқтисодиётнинг биринчи даражадаги бўғини бўлган малакали кадрлар бозоридан маҳрурмиз. Ҳозирги шароитда бу энг аввало, интеллектуаллар, яъни аҳли донишлар билан боғлиқ. Илғор мамлакатлар билан таълим даражасидаги тафовутни қисқартириш учун кадрлар тайёрлашнинг миллий режаси бўлиши керак. Бундай режа ўн йилга мўлжалланган бўлиши ҳамда икки имкониятни, яъни ташқи алоқаларга чиқишни ва ички ресурсларни жамлашни назарда тутиши лозим.

— Бу режани рўёбга чиқариш учун маблағни қаердан олиш керак?

— Муаммо бунда эмас. Ташқи бозорда жумҳуриятимизга ишонишмоқда, мутахассислар ўқиши учун ҳақ тўлаш ресурсларимиз ҳам бор. Чет эллардаги кўпгина фирмалар, жамоат ташкилотлари ва ҳатто айрим кишилар кадрларимизни бепул ўқитишни таклиф қилмоқдалар. Лекин, кимни ўқишга юбориш керак, деган масала кўндаланг бўлганда юборириладиган одам топилмай қолаяпти. Биз чет элга юбориб ўқитмоқчи бўлган одамлар чет тилини билмайди, ҳолбуки, у ўқиб келганидан кейин айрим ишлаб чиқаришлар, бутун-бутун тармоқлар ишини йўлга қўйиши, ўз ватанида муайян лойиҳаларни рўёбга чиқариши керак. Тилни биладиганлар бор албатта, лекин бундай кишилар олган билимига яраша самара бериб ишлай олишига кафолат йўқ. Хуллас, жумбоқлар гирдобига тушиб қолганмиз. Биз бу гирдобдан чиқиш учун чет тилларни ўрганишга кенг майдон очиб қўйишимиз керак. Ана шундай таълимнинг обрўсини оширишимиз, унинг афзалликларини рўёрост кўрсатишимиз керак. Ўз ходимларини чет тилларига ўргатаётган ташкилотларга, эҳтимол имтиёзлар бериш, чет тилларни биладиган мутахассисларнинг ҳаммасига қўшимча ҳақ тўлаш лозим бўлар. Бундан ташқари, режамизга кўра ҳамманинг «қўли етадиган» радио, теледорилфунун очиб, тил ўргатиш ниятимиз ҳам бор. Бунинг учун эҳтимол Олий Кенгашнинг тегишли қарори ёки жумҳурият Президентининг Фармони керак бўлади.

— Тил ўргатишдан ташқари ана шу дорилфунун яна бошқа қандай вазифаларни ҳал этади?

— Марказий телевидениеда «Бизнинг боғимиз» деган кўрсатув бор. Бу кўрсатувда бирор-бир экинни экиш учун ерни қандай тайёрлаш лозимлиги ҳақида жўяли маслаҳатлар берилади. Биз эса шундай телевизион боғ бунёд этишни истар эдикки, бу боғда иқтисодиёт мевалари етишиб чиқсин. Бунинг учун бизга таълимга оид телевизион канал керак. Таълим канали дейишимнинг боиси шундаки, ҳозир бизда ўқув программалари бор, лекин бу программаларнинг аҳволи уларни тайёрлаётганларнинг ўзини ҳам қаноатлантирмаяпти. Мен тилга олган канал кўрсатувларида фермер қишлоқ хўжалигини юксак самара билан юритиш сирларига, сармоячи эса тижоратга ўргатади. Лекин, таълим соҳасида жаҳон даражасига чиқиш учун бу етарли эмас. Таълимнинг янги системасини ишлаб чиқишни жадаллаштириш ва жумҳурият аҳолисининг диққат-эътиборини шунга қаратиш керак. Акс ҳолда бозор йўлида сарсону саргардон бўлиб қоламиз.

Суҳбатдош

Л. ҒАНИЕВ.

Долзарб масалаларга кутилмаган жавоблар

Бозор иқтисодиёти бўсағасида

«Ўзбекистон халқ хўжалигини барқарорлаштиришнинг асосий йўналишлари ва бозор иқтисодиётига киришнинг принципларн тўғрисида» айнан мутахассислар мулоҳаза юритгани маъқул. Мутахассисларни тайёрлашга жавобгар бўлган кишининг фикрини эшитиш яна ҳам мароқлидир. Мухбиримиз Ўзбекистон Вазирлар Кенгаши илмий, муҳандис ва бошқарув кадрларини тайёрлаш ва бундай кадрлар тайёрлашни мувофиқлаштириш комиссиясининг бош мутахассиси З. З. Исроилов билан суҳбатлашди.

⊙ Хусусийлаштириш чиқимлари.
⊙ Микросхемалар — маҳаллада.
⊙ Фирмамиз — сизнинг оиланглиз.
⊙ Мулкдорнинг афзалликлари.
⊙ Бозор ва демократия.
⊙ Диктатурага қарама-қарши.
⊙ «Тилсиз» мутахассислар.
⊙ Барча учун дорилфунун.



⊙ Маҳфуза Собирова шаҳримиздаги «Чевар» тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмасининг энг пешқадам тикувчиларидан бири. У мана бир неча йилдирки, ўзининг самарали меҳнати билан корхона ютуғига муносиб келмоқда.

Т. Карим фотоси.

⊙ СОФИЯ.

Болгария жамиятида барча сиёсий кучлар охир-оқибатда интиладиган тамойил: демократияга тинч йўл билан ўтиш тамойили устунлик қилади. БХР Президенти Желю Желевнинг болгар телевидениеси мухбири билан қилган суҳбатида билдирган фикри шундай бўлди. Ж. Желевнинг давлат бошлиғи лавозимига сайланганидан кейин 100 кун ўтгандлиги мухбир билан суҳбатлашиш учун баҳона бўлди. Президент жамиятда мавжуд танглик бўлишига қарамай, ундаги ҳозирги жараёнларни фуқаролар тотувлиги доирасида сақлаб қолишга муваффақ бўлинганидан қониқиш билдирди.

Болгариядаги сиёсий кучлар янги ҳукумат тузилиши теварагида олиб бораётган музокараларга тўхталиб, давлат бошлиғи мамлакатга парламент қўллаб-қувватлайдиган кучли ҳукумат зарур, деган ишончни билдирди Кучсиз ҳукумат — у ҳоҳ бир партияли, «бир рангдаги», ҳоҳ Болгария Социалистик партиясининг ёки ҳозир оппозицияда турган Демократик кучлар уюшмасининг ҳукумати бўлсин — барибир у мамлакат олдида турган муаммолари ҳал эта олмас эди.

⊙ БУДАПЕШТ.

Венгрия Социалистик партиясининг Шиофокда бўлган иккинчи съезди мамлакатдаги аҳвол хусусида дастурий баёнот қабул қилиш билан ниҳоясига етди.

«Ҳокимият алмашуви — ҳали иқтимоий системанинг алмашуви эмас, кўп партиялилик ҳали демократия эмас, бозор иқтисодиёти — ҳали мўл-кўл турмуш дегани эмас», — деб таъкидланади ҳужжатда. — Мамлакатга иқтисодиёт инқирози ва бошбошдоқлик хавф солмоқда. Бунинг олдини олиш учун ҳаммамиз «партиявий худбинликдан» воз кечишимиз керак.

Ҳозирги вақтда мавжуд бўлган иқтисодий системани ўзгартирмасдан туриб, мамлакатни тангликдан олиб чиқиб бўлмайди. Венгрия социалистлари имкони борича кўпроқ одамларни мулк эгаларига айлантирадиган хусусийлаштиришни ёқламоқдалар.

⊙ ВАШИНГТОН.

АҚШ Президенти Жорж Буш «жаҳонда кейинги икки йил ичида рўй берган ўзгаришларни баҳолади ва унда келажакда халқаро ҳамжиҳатлик мутлақо бошқа бўлади, деган фикр пайдо бўлди», — деб айтди Оқ уй ходимлари идорасининг раҳбари Жон Сунуну. У консерватив ташкилотлар раҳбарларининг АҚШ пойтахтида ўтаётган анжуманидаги қатнашчилари ҳузурида сўзга чиқди. Шарқий Европа мамлакатлари билан ССЖИда рўй берган ўзгаришлар туфайли, деб сўзида давом этди у, «эътиборга молик бўлган бошқача халқаро муносабатлар юзага келмоқда».

Жаҳон шаҳарларида

Оқ уй ходимлари идорасининг раҳбари Форс кўрфазидаги жуда қалтис вазиятни эслатиб шундай деди: «Одамлар ушбу янги сиёсий иқлимда босқинчилик қилиш учун имконият бўлмаслигини тушуниш-ларига эришиш зарур».

⊙ НЬЮ-ЙОРК.

«Совет Иттифоқидаги ўзгаришлар янги даврни бошлаб беради ва ҳарбий саноатни фуқаролар эҳтиёжига қараб янги йўналишга солиб юбориш масаласи энг муҳим масалалардан бири ҳисобланади, — деди АҚШ Марказий разведка бошқармасининг собиқ директори Уильям Колби ТАСС мухбири билан суҳбатда. — Менинг ҳисоб-китобларимга қараганда, ҳарбий бюджетларни икки баравар қисқартириш мумкин. Бу иккала давлат тийилиб туриши учун етарли куч қолганлигини билдиради, лекин уларни бир-бирларига хавф солишдан маҳрум этади.

МРБ собиқ директори конверсиянинг ана шу ва бошқа муаммоларини Москвада «Ҳарбий харажатлар ва иқтисодий устунликлар» мавзусида очиладиган Совет — Америка конференцияси чоғида ССЖИ ва АҚШ олимлари билан муҳокама қилиш ниятидадир. Конференция Америкадаги нуфузли иқтисодий устунликлар ижтимоий илмий-тадқиқот ташкилотлари билан ўтказилади. 1-сентябрь куни Нью-Йорк ва Москвадан ўтказилган икки боғланишда бир гуруҳ нюйорклик олимлар, шу жумладан, собиқ президент Форднинг Оқ уй ҳамда Пентагондаги собиқ ҳамкасблари, Москвада эса Горбачев ҳукуматининг бир қатор аъзолари иштирок этишди. Конференция ўтказилишидан олдин Москва ва Нью-Йорк ўртасида кўприк вазифасини ўтаган Си-Эн-Эн телеканалида ўтказилган «Кўприк» эшиттиришида иштирок этган Горбачев ва Форд ўртасидаги мулоқот ҳам шу ниятга хизмат қилган эди.

С.БОЗОРБОЕВ.

ЎЗИНИ ОҚЛАМОҚДА

⊙ АВТОМОБИЛЬ тармоғида концертлар тузиш юзасидан ўтказилган тажриба муваффақиятли чиқди. Бир йил аввал Ўзбекистон Автомобиль транспорти вазирлигида учта ана шундай концерн: «Тошвилоятюктранс», «Тошвилоятйўловчитранс» ва «Тошшаҳарюктранс» концернлари ташкил этилган эди. Бу ерда раҳбарларни камайтириб, иш маромини оширишга, юк ташиш ҳажмини кўпайтиришга, қўшимча даромад олишга муваффақ бўлинди.

Янгиликларнинг моҳияти бошқарув тузилмасини ўзгартиришдан иборат бўлди. Агар илгари марказдан туриб бошқаришга қатъий амал қилинган бўлса, энди концернларга бирлашган корхоналар ҳуқуқий жиҳатдан мустақил бўлди.

Барча назорат рақамлари, лимитлар, иқтисодий нормативлар, кўчма составлар етказиб бериш корхоналар бошқарувларининг кенгайтирилган мажлисларида корхоналар ўртасида тақсимланади. Шундай мажлисларда концернларнинг жамғармалари ва резервларидан қандай фойдаланиш тўғрисида қарорлар қабул қилинади.

Бошқа тармоқлардаги корхоналар ва ташкилотлар ҳам, уларнинг қайси муассасага бўйсунишидан қатъий назар, шартномавий асосда концернлар таркибига кириши мумкин, — деб якунланади ЎзТАГ хабари.

МАҲОРАТ СОҲИБИ

⊙ МАНА ўттиз йилдирки, таниқли украин санъатшуноси А. Гуляницкий Украина давлат филармонияси мусиқа дастасига моҳирлик билан раҳбарлик қилиб келмоқда. Шу йиллар мобайнида бу ижодий жамоа Украина ССЖ халқ артисти А. Гуляницкий дирижёрлигида кўплаб концертлар билан чиқди. Унинг чет мамлакатларига қилган гастролларн ҳам жуда муваффақиятли ўтди.

Катта маҳорат соҳиби яқинда серқуёш жумҳуриятимизга келди. Ижодий сафар чоғида у Ўзбекистон ССЖ давлат симфоник дастаси концертларига моҳирлик билан дирижёрлик қилди. Бу томошаларда Тошкент давлат консерваторияси ректори, профессор О. Юсупова, доцент Т. Игноян ва бошқа мусиқа ижрочилари қатнашадилар.

Атоқли украин дирижёри шунингдек, Тошкентдаги симфоник мусиқа шинавандалари клубининг азиз меҳмони бўлди.

С. ОДИЛОВА.



⊙ Ҳар йили Данияниинг Орҳус шаҳрида ўтказилдиган театр фестивалида совет артистларининг гастроли муваффақиятли ўтади. Ана шу фестивалга бутун жаҳондан ижодий жамоалар таклиф қилинади. Бу йил фестиваль Шарқий Европа ва Совет Иттифоқига бағишланди. Мамлакатимиз театр санъати Ленинград театри мисолида намойиш этилган «Кичик юлдузлар» спектаклидан кадрда.

СУРАТДА: Орҳусдаги фестивалда.

Ю. Белинский (ТАСС) олган суратлар.

Маҳаллада ГАЗЕТА ТАШКЕНТСКОГО ГОРОДСКОГО СОВЕТА ПО КООРДИНАЦИИ ДЕЯТЕЛЬНОСТИ МАХАЛЛЯ.
ЖАМОАТЧИЛИК ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ.
МАНЗИЛГОҲИМИЗ: Тошкент шаҳри, Ленинград кўчаси, 32-уй, Телефонлар 99-42, 33-54-15.

ТОШКЕНТ ШАҲАР МАҲАЛЛАЛАР ИШИНИ МУВОФИҚЛАШТИРИШ КЕНГАШИНИНГ РЎЗНОМАСИ.
Ҳар ойда икки марта чиқади.
«Тошкент оқшоми» нашри.

Маҳалладош

Ноябрь, 1990 йил
№ 21. (33).

Хушхабарлар

ОНАЛАР ШАРАФИГА

ОНА улуғ зот. Ана шундай мавзудаги тадбир маҳалла қўмитамиз биносида ўтказилди. 200 нафардан зиёд хотин-қизлар иштирок этган кечада маҳалла аёллари орасида биринчи бўлиб ҳаж сафарига бориб қайтган Мелиниса ая Акромова, Тошкент бадиий буюмлар бирлашмасининг бош директори Р. Отажонова, ноҳия партия қўмитасининг биринчи котиби С. Саидкаримовлар сўзга чиқишди. Навоий номидаги маданият уйи бадиий ҳаваскорлик жамоасининг чиқиши эса тантанага ўзгача файз киритди. Фаол хотин-қизлардан бир гуруҳи мақтов ёрлиқлари ҳамда қимматбаҳо совғалар билан тақдирландилар.

К. АЗИМОВ,
пойтахтдаги «Оқлон» маҳалласида яшовчи пенсионер.

ИСМОИЛ ШОШИЙ КУЧАСИ

«8 МАРТ» маҳалласидаги «Янгиш» кўчасининг бошланишида X асрда шу жойда яшаб ўтган йирик дин арбоби Исмоил Коффол Шоший мақбараси бор. Тошкент шаҳар Совети ижроия қўмитаси қошидаги Атамалар комиссияси маҳалла аҳлининг талабини кўриб чиқиб, қарор қабул қилди. Эндиликда юқорида тилга олинган кўча Исмоил Шоший номи билан аталмоқда.

Х. ПЎЛАТОВ.

КУН ТАРТИБИДА — САЛОМАТЛИК

ЯҚИНДА маҳалламиз чойхонасига райондаги 5-поликлиника бош шифокори Н. Қодирова раҳбарлигида бир гуруҳ шифокорлар ташриф буюришди. Мунозара тарзида ўтказилган суҳбат чоғида болалар ҳасталиги, юқумли касалликларнинг олдини олиш, дори-дармонлардан тўғри фойдаланиш тўғрисида гап борди. Маҳалла аъзоларидан бир неча киши сўзга чиқиб, тиббиёт хизматчиларига ўз талаб ва истакларини айтдилар.

М. АЛИМОВ,
Киров ноҳиясидаги «1-Отчопар» маҳалла қўмитасининг раиси.



Кундалик ҳаётимизни электр токисиз тасаввур қилиб бўлмайди. Электр ёрдамида ишлайдиган кир ювадиган машина, дазмол, самовар... буларнинг барчаси уй бекаларига қулайликлар яратмоқда.

Пойтахтдаги электр рўзғор буюмлари заводида тайёрланаётган турли хил электр жиҳозларни ҳам хонадонларимизда кўриш мумкин. Шу корхонада кўп йиллардан бери йиғувчи бўлиб ишлаётган Мавжуда Ғозиева тайёрлаётган маҳсулотлар сифати билан алоҳида ажралиб туради.

⊙ СУРАТДА: М. Ғозиева.

Биз—байналмилалчилармиз

ҲЕЧ КИМ ЧЕТДА ТУРМАДИ

«Ғалабанинг 40 йиллиги» мавзесининг 1-даҳасида ташкил топган маҳалла қўмитасининг фаолиятига энди 1 ойдан ошди. Маҳалла фидойиларининг елиб-югуриб уюштирган биринчи тадбири ибратли ўтди.

Ҳар биримизга аёнки, кўп қаватли турар жой бинолари қад кўтарган мавзеларда қурувчилардан сўнг шу уйлар атрофида кўпдан-кўп ахлат уюмлари қолади. Турар жой бошқармаси (ЖЭУ) ходимларида эса уларни тозалашга имконият йўқ. Маҳалла қўмитаси раиси Озод Шоумаров, қўмита котиби Юрий Николаевич Шабанов ва фаолларнинг аҳоли ўртасида ўтказган ташкилий ва тушунтириш ишлари ўз самарасини берди. 52 та кўп қаватли уйларда яшаётган 6 мингдан зиёд аҳоли енг шимариб ҳашарга чиқди. Қилинадиган юмушлар олдиндан режалаштирилган эди. Шу куни уйлар атрофидаги ялангликлик жойлар, майдонлар, мактаб ва боғча атрофи, сув шохобчаларида йиғилиб қолган ахлатлар ҳозир бўлган юк машиналарига юкланиб, бетўхтов ахлатхонага жўнатиб турилди.

Ҳашардан сўнг барчага шу ерда тайёрланган ош тарқатилди. Уйлари, дастурхонлари, кўнгиллари бир-бирларига чамбарчас боғлиқлигини яна бир бор ҳис этган маҳалла аҳли қўмитанинг 17 ноябрь куни мавзеда кўчат ўтказиш бўйича ҳашар ўтказиш ташаббусини қўллаб-қувватладилар.

Б. ҒОЙИБНАЗАРОВ,
Ҳамза ноҳия партия қўмитасининг инструктори.

Икки хил манзара

ЖАМОА АҲИЛ БЎЛСА...

МАҲАЛЛАМИЗ томошагоҳида маҳалла, уй қўмиталари ва жамоатчилик билан ишлаш доимий комиссиясининг сайёр йиғилиши ўтказилиши одамларнинг тилидаги гапларни дилига чиқарди. Кўпчилик сўзга чиқиб, ижтимоий соҳадаги муаммоларни очиб ташладилар. Ҳали канализация қувурлари киритилмаган хонадонлар борлиги, асфальт ётқизадиган, электр ёритгичлар ўтказилиши лозим бўлган кўча ва муюлишлар талайгина эканлиги очиқ-ойдин айтилди. Шундан сўнг тадбирлар тузилиб, қилинадиган ишлар белгилаб олинди.

Жамоамиз аҳил, гапни ҳам гапиришади, ишни ҳам дўндиришади. Очиқ тан олиш керак, март ойида сайланган қўмитанинг янги аъзолари фаоллик кўрсатишаяпти. Шу вақт ичида уй бекалари учун уйда тикиш-бичиш билан шуғулланишга шароит яратилди. Кексаларга масжид очилгани ҳам қувончлидир. Бундан ташқари бир неча кўчага канализация қувурлари ётқизилди. Эндиликда томошагоҳда мусиқа, тикиш-бичиш, ҳамширалар тайёрлайдиган ва араб алифбосига ўргатувчи тўгараклар очиш мўлжалланаяпти. Маҳаллани ободонлаштириш бўйича ҳам бир қанча тадбирлар мўлжалланди.

Асқар НОСИРОВ.
Куйбишев ноҳиясидаги «4-Оққўрғон» маҳалласи.

«БЕШ ЛОЛА»ГА ГАЗ КЕЛАДИМИ?

МАҲАЛЛАМИЗДА 85-ўрта мактаб бор. Билим маскани ҳар йили агитпункт вазифасини бажариб келади. Совет давлати қурилибдики, шу жойда неча маротаба ССЖИ ва Ўзбекистон ССЖ Олий Кенгашларига сайловлар бўлиб ўтади. Сайловчилар билан бўлган учрашувларда уларнинг кўпчилиги «Беш лола» кўчасига газ келтириб берамиз, деб ваъдалар беришади. Афсуски, ҳанузгача хонадонларда ўтин ва кўмир ёқилаяпти.

Қиш чилласида келсангиз эрталаб ўқишга, ишга ёки поликлиникага чақалоғини кўтариб кетаётган келинчакларни кўриб раҳмингиз келади. 1-синфга чиққан ўғилқизларимизнинг эгниларида қўпол пальто, оёғида этик, шарф билан ўраб олишгани учун юзлари зўрға кўринади.

«Беш лола»да давлат корхоналарида ишлайдиган мутахассислар яшашади. Аммо уларнинг ҳам парвои фалак. Шундоқ ёнгинамиздаги улуғ адибимиз Абдулла Қодирий яшаб, ижод қилган «Термиз» кўчасида газ бор. Шу жойдан газ қувурлари тортиб келинса бўлади-ку. Ноҳиямиздаги мутасадди ўртоқлар жумҳурият Президенти хонадонларни газлаштиришга эътиборни кучайтириш тўғрисида Фармон қабул қилганидан хулоса чиқариб олишларини истардим.

Солихўжа ИСМОИЛХЎЖАЕВ,
Октябрь ноҳиясидаги Ильич маҳалласи.

МЕҲРИБОНЛИК

БИР-биримизга оқибатли, меҳр-шафқатли бўлиш турмушимизнинг асосий негизига айланиб бормоқда. Шу ўринда Тошкент шаҳар меҳр-шафқат жамғармаси томонидан олиб борилаётган намунали ишлар диққатга сазовордир.

— Жойларда бошланғич ташкилотларимиз тузилаяпти, — деди жамғарма раисининг ўринбосари А. Мирзаахмедов. Абдулла Набиев, «Уч тепа», «Оқтепа» каби маҳаллаларда яқин кўмакчиларимиз ўз фаолиятларини бошлаб юбордилар. Улар жамоадаги ёрдамга муҳтож кишиларни аниқлаб, бизга тақдим этишади. Шундан сўнг маънавий ва моддий рағбатлантириш томонларини ўйлаб кўрамиз.

Яқинда А. Икромов ноҳиясидаги «Оқтепа» маҳалласида бошланғич ташкилот томонидан ўтказилган йиғилишда бир гуруҳ ночор ва кўп болали оналарга кийим-кечаклар берилди.

С.БОЗОРБОЕВ.

Обуна—91:

МУШТАРИЙЛАРИМИЗ КЎПАЙМОҚДА

БУ ЙИЛГИ обуна мавсуми ҳам ниҳоясига етиб бормоқда. Муҳарририятимизга келаётган хатлар, шунингдек, жамоатчи матбуот тарқатувчиларимизнинг бераётган хабарларини диққат билан кузатиб бораяпмиз.

— «Боксёрский» маҳалласида 400 хонадон бор, — деб ёзади Киров ноҳиясидаги «Янги ариқ» маҳалла қўмитасининг фаоли А. Набихўжаев. — Ҳозирги кунга келиб деярли барча оилалар рўзнома ва ойномаларга ёзилишди. Айниқса «Маҳалладош» кўпчиликнинг диққат-эътиборида. Масалан, Улуғ Ватан уруши ногирони Шокир Умаров, пенсионер Саъдулла Абдуллаевлар бу рўзномага обуна бўлиш билан бирга кўни-қўшниларни ҳам жалб этишди». Обуна масаласида Киров ноҳиясидаги маҳаллалардан ўрнак олса арзийди. Келгуси йилдан «Маҳалладош»ни почта орқали олиб ўқийдиган хонадонлар сони 2200 тадан ошиб кетди.

Тўрткўл шаҳри, «Восточная» кўчасида яшовчи Зубайда ва Шаҳноза Омоноваларнинг ёзишларича, бошқа рўзномалар қатори «Маҳалладош»ни ҳам севиб мутолаа қилишади. Уларга айниқса «Пойтахтнинг ўн икки дарвозаси», «Тоживой тажанг шаҳар кезади», «Ажойиб инсонлар даврасида» каби рукунлар остида ёритилаётган мақолалар маъқул бўлаётган экан.

Кўплаб муштарийларимиз темирчилик, ганч-ўймакорлик, миллий таомлар, попопчилик ҳақида, бундан ташқари ота билан бола, она билан бола, ака-ука, опа-сингил, дўстлар ўртасидаги муносабатларни ёритишга кўпроқ эътибор беришимизни сўрашган. Биз бу истакларни келгуси режаларимизда албатта инобатга оламиз.

Янги рукун: «Ҳадис ва биз»

СУЯНГАН ТОҒИМИЗ, АРСЛОНИМИЗ

⊙ Ўзбекистон ССЖ «Фан» нашриёти томонидан «Ахлоқ-одобга оид ҳадис намуналари» тўпламининг чоп этилиши жумҳуриятимиз аҳли, кенг китобхонлар учун муносиб туҳфа бўлди. Ушбу мажмуада тарбия, ахлоқ-одоб, ўзаро дўстона муносабатлар, қариндош, ота-она ва фарзандларнинг ҳақ-ҳуқуқлари, меҳр-оқибат, ҳалоллик, поклик, адолат, инсоф-тавфиқни тарғиб қилиш билан бир қаторда разолат, кибр-ҳаво, адоват, ҳасад, хиёнат, ёлғончилик, фитна, фасод, зулм каби иллатларга нисбатан нафрат туйғулари ҳам ўз ифодасини топган. Инсонни маънавий баркамоллик руҳида тарбиялашдек муқаддас ишимизга катта ҳисса қўшувчи мазкур ҳадисларга муносабатимиз қандай? Улардаги ҳикматли сўзларга жамиятимиз кишилари, хусусан ёшлар амал қилишаяптими?. Биз янги рукун остида ана шу масалаларни атрофлича талқин қилиш ниятидамиз.

ҲАДИСДАН:

⊙ Отага итоат қилиш — Тангрига итоат қилишдир. Унинг олдида гуноҳ қилиш Тангри олдида гуноҳкор бўлиш билан баробардир.

⊙ Ота-оналарнинг кексалик вақтида ҳар иккисини ёки бири бўлмаганда бошқасини рози қилиб, жаннати бўлиб олмаган фарзанд хор бўлсин, хор бўлсин ва яна хор бўлсин.

⊙ Уч тоифа кишилар борки, улар жаннатга кирмагайлар:

1. Ота-онасига оқ бўлган фарзанд.
2. Ичкиликка муккасидан кетган киши.
3. Берган хайру эҳсонини ёки яхшилигини миннат қилувчи одам.

⊙ Отангиз вафотидан кейин унинг дўстлари билан алоқани давом эттиринг. Улар билан алоқани узсангиз Тангри сизнинг нурингизни ўчиради.



ОТАСИ БОРНИНГ ДАВЛАТИ БОР, дейишади. Хоҳ ўғил, хоҳ қиз бўлсин унинг ҳаётлигида давлати салтанатидан фойдаланиб, эвазига дуолар олса асло кам бўлмайди. Ҳаётда баъзан акси бўлаётгани кишини ташвишга солади. Маҳалламиздаги Суннатилла ота Улуғ Ватан урушига кетган акасидан қора хат келганда унинг уч яшарлик ўғлини ўз қарамоғига олган экан. Баширжон фарзандлари қатори ташвиш нималигини билмай вояга етди, ўқиб, одам бўлди. Кейинги пайтда отахонга бироз қўпол гапирадиган одат чиқарди. Ҳатто қизини турмушга чиқараётганда қуданикига тўй олиб бормоқчи бўлган Суннатилла отани жеркиб берди:

— Қариган чоғингизда сизга нима бор қуданикида, ундан кўра бозорга бориб, нос қовоғингизни тўлдириб келсангизчи?

Қария ҳеч нарса демади-ю, уйдан чиқиб кетиб шу кўйи бир ҳафтадан кейин қайтиб келди. Баширжон «Худди ёш болага ўхшайсиз», деб койий бошлади. Суннатилла ота насиҳат қилган эди дабдурустдан «дийдиёнгизни ўз болангизга қилинг», деб юборди. Отанинг дили оғриди.

— Майли, болам бўлмасанг берган тузимга рози эмасман, — деди у Баширжонга нурсиз кўзларини қадаб. — Агар қилганларимни билмасанг дийдаларинг оқиб тушади.

Жанжалдан воқиф бўлган қўшнилар «Шайтонга ҳайф беринг-е, сўзларингизни қайтиб олинг, Суннатилла ота», дейишди. У бошини сарак-сарак қилди. Аё дўстлар, шу воқеага бир ҳафта ҳам бўлмай Баширжон аканинг кўзлари хиралашиб, узоқни кўролмай қолганини биламан.

Оталаримизни асло ранжитмайлик. Улар маслаҳатгўйимиз, йўлбошчимиз, суянган тоғимиз. Дадам оламдан ўтган куни онам ва опаларим: «Арслонимиздан айрилдик», деб йиғлашгани ёдимда. Биз-ку ота дийдорига тўйиб, унинг чексиз мурувватларидан баҳраманд бўлдик. Ҳаётда отасини излаб, бир умр кўзлари йўлига интизор бўлиб ўтаётганлар озмунча дейсизми? Мен бундай инсонларга ирода, сабр-тоқат тилагим келади.

«Дадам тирик бўлатуриб дийдорини кўролмасдим, — деб ёзади муҳарририятимизга хат йўллаган Шоҳида исмли қиз. — 15 ёшга тўлганимда у кишини қидиришга тушдим. Пойтахтдаги кинотеатрлардан бирида директор бўлиб ишлар эканлар. Бино ичига кирмоқчи бўлганимда назоратчи кимлигимни сўради. «Директор керак эди, уларнинг қизи бўламан», дедим. У: «Директоримизнинг бунаҳа қизи йўқ эдику», деди-да керакли хонани кўрсатиб юборди. Ҳаяжонланганимни ёзмасам ҳам бўлади. Хонанинг тўрида эллик ёшлар чамасидаги келишган эркак ўтирарди. Ўзимни унинг қучоғига отгим, «дадажоним» дея эркалангим келди. Шу дамда томоғимга нимадир тиқилиб, юрагим уришдан тўхтаб қолганга ўхшарди. Мен рўпарамдаги одамнинг юзидаги совуқ ифодани сезиб, индамай қараб туравердим. Кўзлари, бурни, ҳатто қулоқлари укам Ботиржонникига ўхшар экан. Кўзларим жиққа ёшга тўлди. Ёнларидаги стулга ўтириб: «Мени танияпсизми?», деб сўрадим. «Йўқ», дедилар. Очиғи, гапларига ишонмадим. Чунки мен онамга жуда ўхшардим. Секингина: «Қизингиз бўламан», дедим. Негадир дадам хурсанд бўлмадилар. Ғалати бўлиб кетдим. Лекин барибир дадамни кўрганим, овозларини эшитганимдан ич-ичимга сиғмас эдим...»

Кейинги пайтда ёшларимиз катталарга нисбатан, ҳатто ўз ота-оналарига бемеҳр бўлиб боришаётгани ҳақида гапирилмоқда. Бундай бўлишига қайсидир маънода Шоҳиданинг отаси каби бўзлаб келган қизига айтиш учун бир оғиз ширин сўз тополмаган инсонлар сабабчи бўлишмаяптимикан? Меҳрнинг ўлчови ва меъёри борми ўзи? Наҳотки шундай муқаддас туйғу тилаб олинса? Вужудимни қийноққа солаётган саволлар гирдобида жумҳурият фирқа, меҳнат ва уруш кексалари пансионатига бориб қолганимни сезмай қолибман.

— Пансионатда яшаётган 250 кишидан 31 нафари маҳаллий миллатга мансубдир, — деди муассаса директори Вали Аҳрорович Саидаҳмедов.

— Улар асосан кексалар, боқувчиси бўлмаганлардан иборат. Шароитни тўла-тўкис яратиб қўйганмиз. Ташқаридан қаралса кўнгилдагидек яшашаяпти, аммо мутахассис сифатида кўпчилик кексаларимизнинг юрагида дарди борлигини ҳис қиламан.

Хоналар саришта, безатилиши хонадондан фарқ қилмайди. Рангли телевизор, холодильниклар бор.

— Бу ерга ўлимни бўйнига олган кишигина келади, — деди 48-хонада бўлганимизда суҳбатдошимиз Эгамназар Маназаров. — Шифонерга икки-уч сидра кийимларим, ҳатто ўлимлигимни ҳам тайёрлаб қўйганман. Қарилик, билиб бўладими, ахир. Куч-ғайратимдан 150 ёшга кирсам керак, деб ўйлаган эдим. Аммо йиллар ўз ҳукмини ўтказар экан. Ҳозир 78 дамаҳ. Сирдарё вилоятидаги Ворошилов номли жамоа хўжалигида темирчилик қилаётганимда икки марта бетоб бўлиб қолдим. Қараб туришга яқин кишим йўқ эди. Синглимникига боргим келмади, аёл бошига ташвиш орттирмай дедим. Охири ўйлай-ўйлай пансионатга келишга мажбур бўлдим.

Эгамназар ота ҳали тетиклар. Муассасадаги юмушларга қарашгиси келади, ҳатто маъмуриятдан чойхона очиб беришни илтимос қилди. Хизматчилар уни ҳурматлаб «дада» деб чақиришар экан. Мен пансионатда ўз умрларини яшаётган бошқа отахонлар билан ҳам суҳбатлашиб, уларга беқиёс ғамхўрликлар кўрсатилаётганининг гувоҳи бўлдим.

Кексайиб, ёлғизланиб қолган отахонлар учун пойтахтимиздаги «Савоб» фирмаси ва «Меҳрибон» ширкати хайрли ишларни бажармоқда. Киров райижроқўми «Меҳр-шафқат» дастури ишлаб чиқиб, райондаги боқувчиси бўлмаган кексаларни бепул овқатлантиришни йўлга қўйди. Жумҳурият раҳм-шафқат жамғармаси ва Фрунзе район ижроия қўмитаси эса арзимаган нафақа олувчи қарияларга хизмат кўрсатувчи «Эҳсон» дўкони очди. Оталаримиз ана шундай ардоқда яшасалар албатта фарзандларимиздан қайтади.

Саъдулла ШОДИЕВ.

⊙ СУРАТДА: Эгамназар ота Маназаров пансионат ходимлари даврасида.

И. Шербек сурати.



⊙

«Янги ариқ» — Киров ноҳиясидаги энг обод маҳаллалардан бири ҳисобланади. Бу жойда ҳар йили аҳолига маданий ва манший хизмат кўрсатувчи шохобчалар ишга туширилмоқда. Яқинда эса Хўжаев кўчасида «Янги ариқ» ва «Кисловодск» маҳаллаларига хизмат кўрсатувчи янги сартарошхона очилди.

⊙ СУРАТДА: сартарошхонанинг умумий кўриниши.

Т. Каримов сурати.

Бу—қизиқ

ХОНАДОНДА ҚУРИЛМАЛИ ИТ

АНГЛИЯДА хонадонни қўриқлайдиган ит ўрнини босадиган робот ихтиро қилинди. Электрон қурилмалардан иборат бу мўъжиза атрофдаги овозни «эшитади», уйда бегона одам пайдо бўлса қаттиқ акиллайди. Бир вақтнинг ўзида рўй берган ҳодиса ҳақида яқин атрофдаги полиция участкасига хабар ҳам беради.

ҒАЛАТИ КАШФИЁТ

ҒАРБИЙ Германиядаги Эссен шаҳрида пойдевори нотекис қурилган ғиштли уй оға бошлади. Шунда ерлик мутахассислар ўйлаб-ўйлаб кутилмаган қарорга келишди. Бинонинг дарз кетган жойидан арралаб, икки бўлакка бўлишди-да, пойдеворини қайтадан мустаҳкамладилар. Уйни бўлиш учун ҳар соатда 100—160 миллиметр қирқадиган олмос аррадан фойдаланишди. Қизиғи шундаки, бу пайтда уйларида бўлган хонадон эгалари ҳеч қандай ноқулайликни сезмадилар.

Русчадан М. МУҲАМЕДОВ
ўгирган.

Маҳалладош
ГАЗЕТА ТАШКЕНТСКОГО ГОРОДСКОГО СОВЕТА ПО КООРДИНАЦИИ ДЕЯТЕЛЬНОСТИ МАХАЛЛЯ.

МАНЗИЛГОҲИМИЗ: Тошкент шаҳри, Ленинград кўчаси, 32-уй, Телефонлар 32-53-66, 33-99-42, 32-54-15.

ЖАМОАТЧИЛИК ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ.

Унутилаётган меросимиз

ГАНЧЛИ МЎРИЛАР

ҲАЛИ эсимда. «Нишабқўлоқ» маҳалласидаги эски ҳовлимиз дахлизи бурчагида ўчоқ, юқорига чўзилган мўриси бўларди. Кўп нс босганидан бўлса керак бир куни мўри ёниб, қип-қизил чўғга айланди. Ердамга чиққан қўни-қўшнилар челакда сув сепиб, оловни тезда ўчиришди. Енғиндан дахлиз ҳам, уй ҳам ёнмай омон қолгани мени ҳамон ажаблантириб келади. Эсимни таниманки, ўша пайтларда тупроқ билан ёпилган ҳовлиларнинг бирортасида хавфли ёнғин бўлмаганди.

Ўзбек меъморчилигида илгари уйлар ҳар бир жойнинг шароитига қараб қурилган. Ўчоқ мўриларнинг эса ўзига хос салобати, кўрки, ўрни бор эди. Шунинг учун ҳам айрим ганчкорлик усулида яратилганларини музейларда кўраяпмиз.

Мўри кўпинча лой, ғиштлардан ўчоқдан чиқадиган тутунга мослаб қурилгани бизга маълум. У паст ва юқори қисмлардан иборат бўлиб, бу иссиқликни йиғиб, қишда хоналарни иситиш ҳамда ёқилғини тежашга ёрдам беради.

Халқимиз азалдан арзон ва қулай бир уй, бир дахлиз солиб, уйга туташ бурчагига ўчоқ қуришган. Унинг таги това нон пиширишга мўлжалланиб, тутун чиқиб турувчи орқа тарафидан қумғон учун ажратилган. Бир пайтнинг ўзида овқат пишса, чой ҳам қайнаб турган, тагида эса това нони тап-тайёр. Қиш кезларида танчага солишга олов ҳам сероб. Тутуни чиқиб, яллиғи кўмагида мўри ҳароратн дахлизда ўтиргапларга етарли иссиқлик етказиб турган.

Пухта ўйлаб кашф этилган мўриларимизнинг ёнғин бўлган тақдирда безиёнлигини ёпилган томларга туташ жойларига яхшигина қалин сувоқ берилади. Бир мўри томи ёнса, тезда қайта тузатилярди. Уй шиплари тоқи-васса, деворлари текис сомон сувоқланган иборат, таги тупроқли, устига нам ўтмаслиги учун бўёра тўшаларди.

Эндиликда миллий меъморчилик деярли йўқ, ҳисоби. Ҳаммаси европача услубдалиги кишини ташвишга солади. Газ, электрдан фойдаланиб, фаровон замонада яшаяпмиз, деймиз-у ўчоқ бошларимиз алоҳида бўлишига қарамай, ёнғин чиққудек бўлса, бир эмас, бир қанча уйлар ёниб кетиши мумкин.

Ўчоқ мўриси XIX—XX асрларда халқ усталари томонидан ганчдан яратилди. Кўриниши қадимий Шарқ меъморчилик санъатининг маҳит гумбазларидан бирини эслатади. Ўзбекистон ССЖ Давлат музейининг халқ амалий санъати бўлими хоналари бирига ўрнатилган мўрининг макони асли Марғилондир. Тасвирда осмон гумбази, атрофида эса тунги юлдузлар чақнин акс этган. Мўрининг пастки тарафи ўчоқ қуришга мўлжалланган. Кейинчалик Тошкент, Самарқанд, Бухоро каби шаҳарларда ҳам мустаҳкам, ёнғиндан бехатар, ганчдан ишланган ўчоқ мўрилари пайдо бўлди.

Маҳмуд АҲМЕДОВ.

Марҳамат, сўрайверинг

Т. ПУЛАТОВ: Яқинда бир танишим балоғат ёшига етмаган қизини катта қалин эвазига турмушга (қизнинг хоҳишига қараман) берди. Шу тўғрими?

ЖАВОБ: Йўқ, никоҳ ёшига етмаган қизларни турмушга беришни қонун тақиқлайди. Ҳатто бундай хатти-ҳаракатлар учун айбдорлар жиноий жавобгарликка тортилишлари мумкин.

Ота-боболаримиздан қолган одатга кўра куёв томонидан келинга совға тариқасида келтирилган харажатлар қалин беришга кирмайди. Умуман, қонунчилик келин учун қалин олиш ёки тўлашни тақиқлайди. Бундай ҳаракатлар учун жавобгарлик Ўзбекистон ССЖ Жиноят кодексларининг 99-прим моддасида белгиланган.

У. ПАРПИЕВА: Мен турмуш ўртоғим билан ажрашдим. Лекин ҳали суд никоҳни бекор қилиш масаласини кўриб чиқмади. 3 бола меннинг тарбиямда, ота-онамникида бирга яшаяпмиз. Эрим болалар мен билан турсин, деб талаб қилаяпти...

ЖАВОБ: Ота-она бошқа-бошқа турганларида вояга етмаган болаларнинг ким билан яшаши ўзаро келишувга қараб белгиланади. Агар оила бошлиқлари бунга эришолмасалар у ҳолда низо суд томонидан болаларнинг манфаатларини ҳисобга олган ҳолда ҳал қилинади. Аммо ота ёки она билан тўриш истаги уларнинг манфаатига ҳам тўғри келиши керак. (Ўзбекистон ССЖ оила кодекси, 99-моддаси).

Абдужалил ҲАСАНОВ, ҳуқуқшунос.

Акс садо

САНЪАТКОРСИЗ ТЎЙ ЎТМАЙДИ

«МАҲАЛЛАДОШ»да чоп этилган «Санъаткор тўйга борса айбми?» (27 сентябрь) ҳамда ССЖИ Адвокатлар уюшмасининг аъзоси З. Муҳаммаджоновнинг (11 октябрь) мақолаларини қизиқиш билан ўқиб чиқдим. Менн бир нарса, яъни санъаткорларнинг Самарқандга 2000 сўмга борнб, тўй тарқагандан кейин хонадон эгасига яна 500 сўм берасан, деб тихирлик қилишгани ўйлантириб қўйди. Шу бонс қўлга қалам олишга жазм этдим.



ЎЗБЕК ХАЛҚИ шу қадар санъатга ўчки, асти қўяверасиз. Гап-гаштакка қолгудек бўлса ҳам санъаткор ислайди. Иложини тополмаса лоақал дутор чертишни ўрганмаганмиз-да, деб ўзидан ўпкалайди. Қисқаси, меҳмон билан бир пиёла чой устидаги суҳбатни ҳам хурсандчилик билан ўтказсам, дейди. Аммо санъаткорлар ҳар хил бўлишади.

Келинг, ўзим билан бўлиб ўтган бир воқеани гапириб берай. Ўртанча ўғлимни уйлатиришда хоннши мафтун этганлиги учун Фаттоҳхон Мамадалиевни тўйга таклиф қилиш истаги туғилди. Андижонлик дўстим Абдумутал Абдуллаевнинг уйига бориб, ниятимни айтдим. Негадир мақсадим унга ёқинқирамай:

— Мен у кишининг уйига олиб бораман. Лекин уёғини ўзиз гаплашасиз. Чунки у билан, умуман артистлар билан борди-келдим йўқ, — деди.

— Дўстим, тавакқал, хўп десалар бош устига, йўқ десалар хафа бўлмайман, — деб уйларини сўроқлаб топдик.

Фаттоҳхон ака уйда экан, сўрига таклиф этдилар. Ишимиз зарурлигини айтиб, узр сўраган эдик: «Ҳа энди Тошкентдан келибсизлар, бир пиёла чой ичиб кетинглар», деб қўймадилар. Сўрига чиқиб ўтиргач ниятни айтдик. Ён дафтарни олиб қарасалар, биз мўлжаллаган кунга бўш эканлар, рози бўлиб исм-шариф, манзилгоҳимизни ёзиб қўйдилар.

Иш битди. Кўнгилчоғлик билан дарвозага етганда битта элликталик чиқариб узатган эдим, «Чўнтагингизга солиб қўйинг. Бораман дедимми, бораман. Бизда ярнмта гап бўлмайди», — дедилар.

— Бўлмаса хизмат ҳақини айтинг. Кейин...

— Мен сизга хўкиз сотаётганим йўқ. Бошқа гап сиғмади.

Тошкентга қайтиб келдим. Хаёл анди. жонлик ҳофизда. Келадими, йўқми? Ахир закалат олгани йўқ. Бир нарса деб айблаб бўлмайди. Сабзи тўғрап куни кечқурун эшикдан кириб келдилар. Хурсанд бўлдик.

Бу мисолни кетиришдан мақсад, 2000 сўмга байлашиб яна 500 сўм берасан, деб жанжал қўтарган отарчига нисбатан қаҳр-газабим ошди. Наҳотки, тўйхонада унинг ақлини жойига келтирадиган одам топилмади? Ноинсофлар лафзини ютса ҳеч ким индамаса, хонадонни шилса ҳеч ким миқ этмаса бу нима деган гап?! Одамлар шунчалик заифлашиб кетганми? Ким нима деса бўйнини эгаверадими? Қани гурур?

Марҳум Расулқори акани Тошкентда тўйларда кўрганман. Ўзларининг аскиялари, хонншлари билан базмни қизитиб, эрталаб ошни ўтказиб бўлгач, тўй эгаси хайрлашув чоғда пул берса олмасдилар. Ҳеч қўймаганлар кейингина қўлларини очиб «Қани оқсоқол, берган садақангизга рози бўлинг», деб дуо сўрардилар. Қаранг, қандай санъаткорлар бор.

Бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин. Саховатли, санъатни севиб, уни ардоқлаб келаётганлар талайгина. Шулар ҳақида самимий, одилона фикр юритайлик. «Санъаткор» деб ёппасига савалаймай лоақал «айрим» деган иборани ишлатишга ўргансак яхши бўларди. Ўлар номига дог тушираётган шахсларни исм-шарифи билан кўрсатиш зарур, деб ўйлайман. Шунда ўзини ҳурмат қилганларини эъзозлаган бўламиз. Қадриятимиз ошади, қадримиз кўтарилади.

Катта қозон хонадонимизга тез-тез кирсин. Дўстлар жамулжам бўлиб, севимли хонандалар даврамизга файз, тароват бағишласинлар.

Зиёвуддин ОРИПОВ,
С. Раҳимов номидаги «Комсомол» маҳалла қўмитасининг раиси.

«Санъаткор тўйга борса айбми?» мақоласи юзасидан шуниигдек, Ўзбекистон ССЖ халқ маорифи аълочиси Ҳаким Мавлонов, Тошкент шаҳар, Сағбон кўчасида яшовчи Фахриддин Нуриддинов, Тошкент районидаги «Гултепа» маҳалласидан Роҳатали Раҳмонбоев ҳам фикр-мулоҳазалар билдиришган.

Тоживой тажанг шаҳар кезади



ЧАЛА ҚОЛГАН КУТУБХОНА

ЯҚИНДА иш билан «Маданият» маҳалласига ўтгандим. Чоштепа кўчасида борарётиб чала ётган бинога кўзим тушди. Иморатнинг аҳволига бир ачиндим. Архнтектурофида сочилиб исроф бўлиб ётган қурилиш жиҳозларига яна ачиндим. Қурувчилар бўлса «ширингина» гаплари айтай десам ҳеч ким кўринмадн.

Ҳамон нимани ишлаётганлари ҳақида ҳеч нарса аниқ эмас. Ишлаётганларнинг ҳаммаси ёш, ҳаваскор. Ишлари ҳам ҳавасга ўхшайди. Ҳозирги кунда ҳамма ишни пулга ўлчаш одат бўлиб қолган. Ҳатто ёшлар ҳам ишни пулга ўлчаяпти. Ишлаётган ёшларнинг ҳам ишга қизиқиши йўқ

Одоб-ахлоқ

Йиллар ва тақдирлар

НИМА ЎЗИ ВАТАН ДЕГАНИ?

АХТ ҳақидаги орзулар кўпинг
ёлот дунёсида яшайди де
ди. Менимча бу гап ҳамма
ҳам тўғри эмас. Эътибор
анмисиз, сизда ҳам шундай
тлар бўлиб турар балки. Иш,
ва бошқа ташвишу юмуш
и бир чеккага йиғиштириб,
юққа қайтиб боргинг, ҳам
юқларинг ва ёру дўстларинг
н юракдан суҳбатлашгинг ке
Саратон чўғ сочиб турган
ларда меҳнат қилаётган киз
билан чин кўнгилдан дардлаш
и истайсан. Қир-адирларга чи
овозинг борича қўшиқ куйла
и бўласан, қўй-қўзиларнинг
дан ҳаллослаб югуришни кўм
и кўнглинг.

ажаб, бу хаёлми ёғи соғинч
аримми? Йўқ, бу соғинч ҳам,
ҳам эмас. Бу она-юрт, она
нга бўлган муқаддас меҳр,
ёс муҳаббатдир.

арвоқе, Ватан ўзи нима, у қа
н бошланади? Энг аввало у ўз
тдан бошланади. Сен яшаёт
қишлоқ ёки шаҳар, ўқиётган
аб ёки илмгоҳ, умуман яшаб,
р юритаётган масканингдир.
ян фақат шунинг ўзими?

аҳор ойларининг мусаффо
арининг бирида Ражаб ака
кентда ўқиётган ўғли Тўлқин
дан хат олди. Хатда ўғли ўзи
қарув қоғози беришганини
н эди. Отани бир зумда узоқ
лар ўз оғушига олди...

940 йилнинг май ойида у ҳар
хизматга чақирилди. Москва
ятидаги қисмларнинг бирида
атни давом эттириб юрар,
и-вақти билан амалий-тактик
гулотларга чиқиб туришарди.
ган пайтларда эса ҳарбий ҳаёт
ли бир зайлда давом этарди.
1 йилнинг ёз тонгларидан би
радио тўлқинларидан ноҳуш
р таралди. Немис-фашист га
алари мамлакатимиз тупроғига
аткорона бостириб киришиб.
Улар хизмат қилаётган қисм
гчилари ҳам биринчилардан
б она-Ватан ҳимоясига отлан
р. Ражаб ака Украина ва Бол
йи районларидаги шиддатли
гларда иштирок этди, алоҳи
азифаларни бажарганлиги учун
неча марта ҳарбий қўмондон
ва сиёсий бошқарма томони
ташаккурномалар билан тақ
дирланди. 1943 йилда Калининград остоналаридаги қаттиқ жанглар
нинг бирида оғир яраланди. Аввалига Москвада, сўнгра Челябинскдаги ҳарбий госпиталларда узоқ вақт даволанди. Унга яна жанговар сафга қайтишга рухсат беришмади. Қишлоғига қайтди. Халқ хўжалигининг турли соҳаларида сидқидилдан меҳнат қилди. Мана ҳозир пенсияда, II гуруҳ ногирони.

Қорачироқлар (лампачироқлар), фонуслар пилиги милтираб ёнган, кокилларини қирқта қилиб ўролмаган келинчакларнинг йиғисидан титраган кечалар ортда қолди. Энди ҳеч ким кунботарга қараб кўз ёш тўкмагай. Энди келинчаклар бағрида чечаклар кулади, қучоғида беланчаклар тебранади.

1985 йил май ойи охирларидаги тунларнинг бири одатдагидан чароғон эди. Тошкентдан ҳарбий хизматга чақирилганларни олиб кетаётган поезд мамлакатимизнинг жанубий чегаралари томон йўл олди. Улар орасида Ражаб аканинг кичик ўғли Тўлқинжон ҳам бор эди.

Орадан бир неча кун ўтгач, улар Ашхобод вилоятидаги ҳарбий қисмга келиб тушдилар. Роталарга, взвод ва бўлинмаларга тақсимлай бошладилар. Тўлқинжон ҳарбий-пиёдалар машиналари механик-ҳайдовчилари ротасига қабул қилинди. Ҳарбий қасамёд қабул қилишганидан сўнг, машғулотлар бошлаб юборилди. Курсантлар кундан-кунга ўз билим ва маҳоратларини ошириб, ҳарбий техникани бошқаришни мукаммал ва пухта ўзлаштириб ола бошладилар. Аввалига анча қийинчиликлар бўлиб турди, лекин тез орада ҳарбий ҳаётга кўникиб кетишди. Қисқа муддатли ўқув даври ҳам охирлаб бормоқда. Дарахтларнинг барглари тўкила бошлаган, самода тез-тез булутлар пайдо бўлар, узоқ-узоқлардан турналарнинг ғала-ғовури, хазонрез боғларнинг оҳиста шивирлашлари табиатга янада ором бағишларди. Ўлкамизда олтин куз қўшиқ куйларди...

Катта йўлда ҳарбий машиналар колоннаси шиддат билан Дўстлик кўприги томон интилмоқда. У Савр инқилобининг ҳимоячиларига ёрдам бериш учун шошилмоқда эди. Афғон шамоли кўз очиргани қўймайди. У сариқ қумларни аллақаерлардан учириб келар, ердан кўкка кўтариб чирпирак қилиб ўйнатарди. Бепоён кенгликлардаги янтоқзорлар бу тўзонларни ўз бағрига яширмоқчи бўлади.

Колонна кетаётган йўл анча хатарли. Истаган пайтда душманлар ҳужум қилиб қолишлари мумкин, Гоҳ-гоҳида кўримсиз, пастқам уйлар учраб туради. Ниҳоят улар ўз манзилларига етиб келишди. Дивизия штаби шу ерда жойлашган экан. Тўлқинжон хизмат қилаётган рота жангчиларини кейинчалик Ҳирот вилоятига юбордилар. Улар бу вилоятда бир ой давомида шарт-шароитлар билан мукаммал таништирилиб, ҳарбий билимлари яна бир бор синаб кўрилди, ниҳоят ҳаракатдаги қўшин жангчилари билан елкама-елка туриб душманларга қарши жангга кирдилар.

У куйдирилган мактаб ва уйлар, қарияларнинг оҳ-воҳларию, етимларнинг бўзлашларини ўз кўзи билан кўрди. Бир вақтлар оддий бўлиб туюлган ҳаёт ва кураш тушунчаси кундан-кунга кенгайиб, ҳам чуқурлашиб бормоқда эди. Афғон тупроғида ўтган ҳар бир кун бошқасига ўхшамайди.

Ражаб ака ҳовлида нима билан дир машғул эди. Бирдан тупроқ кўчада кўпток ўйнаб юрган болалар дарвозадан югуриб киришдию уни ўраб олишди:

— Суюнчи беринг, суюнчини берсангизчи, ўғлингиз армиядан келди. Тўлқин ака Афғонистондан қайтиб келдилар...

Ражаб ака азбаройи ҳаяжонланганиданми бир зум жойида туриб қолди. У ҳеч нарсани эшитмас. остонада кулиб турган ўғлига тикилиб қолган кўзларида севинч ёшлари қалқган эди. Ўғли отаси ёнига келиб уни маҳкам бағрига босди...

Ҳа, халқимизнинг минглаб навқирон ўғлонлари оғир ва машаққатли Афғон йўлларини босиб ўтдилар. Нотинч Кобул кўчаларию кўҳна Ҳирот обидалари, Кандахорнинг қумли тепаликларию Ҳайрободнинг кўримсиз қишлоқлари уларнинг қалбида ўчмас хотира бўлиб яшайди. Лекин улар қаторидан юзлаб, минглаб дўстларимиз айтажак қўшиқларни дайди еллар олиб кетди, қанча қалбларни аччиқ туйғуларга раво кўрди. Дилларда ўчмас кулгулар, лабларда илк оташ бўсалар муҳрланиб қолди. Дуторлар деворда, дўппилар сандиқда ўз эгаларини бунчалар узоқ кутиб қолди...

Ҳар бир ўтаётган кун, ҳаётга ҳукмдор вақт бизни 41 ва 79-йил воқеаларидан олислаштирмоқда. Аммо ҳеч ким, ҳеч нарса унутилмайди. Ота-боболарнинг жасоратлари—фарзандлар мероси. Бугунги кунда ҳам улар ўз Ватанини ҳар қандай ёвлардан ҳимоя қилишга тайёр. Улар Инқилоб ғалабаларини кўз қорачиғидай авайлаб асрашмоқда. Мен эса XXI аср бўсағасида ота-бола Ражаб ака ва Тўлқинжонларнинг ҳаёт йўли ва тақдири мисолида Ватан ўзи нима деган саволга жавоб топгандай бўлдим. Ҳар гал улар билан суҳбатлашганимда кўнглим таскин топади.

Абдухолиқ АБРАЕВ,
Тошкент темир йўл транспорти муҳандислари илмгоҳи талабаси, заҳирадаги старшина.

Шахсий фикр

НЕГА БЕПАРВОСИЗ, ОДАМЛАР...

ҲАҚИҚИЙ дўст қандай бўлиши керак, деган саволга ҳамма ҳар хил жавоб беради. Менинг шахсий фикрим бошқача: тасаввуримдаги ҳақиқий дўст ҳали туғилмаган бўлса керак. Уларни мен эртакларда, киноларда кўрганман. Ҳаётдачи?

Яқинда бир воқеанинг гувоҳи бўлдим. Эшитинг ва ўзингиз хулоса чиқаринг. Автобус кутиб турган эдим, бир ёш ўспирин шу ерда пайдо бўлиб, бекатнинг у бошидан бу бошига бориб-кела бошлади. Ниҳоят, автобус келиб тўхтади, ҳамма унга ўзини урди. Шу фурсатдан фойдаланиб ҳалиги ўспирин бир қизнинг бўйнидаги тилла тақинчоқни юлиб олиб ура қочди. Бекатдаги одамлар индамай томоша қилиб туришаверди. Буни шофёр ҳам, автобусдан тушаётган ёш-ёш йигитлар ҳам кўришди, аммо бемалол томоша қилиб тураверишди. Менга жуда алам қилган томони шу бўлдики, (тақинчоқ ҳам майли, қиз ўзидан кўрсин, кўчада ўзига зеб бериб юришнинг оқибати бу) одамлар нега лоқайдлик қилишди? Ахир, улар инсонларку? Шундай экан, бир ноқобил хунук ишни қилса, атрофдагилар бефарқ бўлмай, ўғри болани ушлаб, унинг ақлини жойига киргизиб қўйишлари мумкин эди-ку? Наҳотки, девдай-девдай йигитларимиз шу ёш ўспиринга кучлари етмаса? Бир индамай кетамиз, иккинчи бор индамаймиз, қарабсизки, ўсмирлар ўғирликка ўрганиб қолиб, шу ишни қайта-қайта қилаверишади. Ахир, ўша қиз қанча машаққатлар билан олган эдику шу тақинчоқни, унинг ўрнига қизингиз ёки рафиқангизни қўйиб кўрингчи, алам қилмасмикан?

Ота-боболари м и з уруш вақтида ўзларини ўлимга тиқиб, ҳали туғилмаган ёш авлод яшасин деб, дўстликни улуғлаб, мардлик кўрсатиб ҳаётдан кўз юмишган. Ўзингиз ўйланг, ҳали туғилмаган гўдак, яъни бизлар учун улар жон олиб, жон беришган, буни ўйласам, беихтиёр кўзимдан ёш чиқиб кетади. Ҳозирчи? Баъзан у кўзингиз бунисига ола қарайдиган бўлиб қолди. Миллатлараро низо деган гап-сўзлар пайдо бўлди. Дўстлик деганда мен ўша уруш йилларидаги боболаримиз биродарлигига тан бераман. Ҳали ҳам ўзбек бу дўстликни эъзозлаб келади. Негаки, Тошкентимизда ҳаммаёқ вайронага айланганида ҳам ана шу дўстлик ёрдамга келди. Бизнинг саховатли халқимиз дўстликни ҳамиша кўз ва қош узра сақлаб келмоқда. Халқимизнинг ана шу иродасини Олий Кенгашимиз депутатлари ҳам ифода этишди.

Хуллас, демоқчиманки, биз биргалашиб, ўзи бўлиб фарзандларни қинғир йўлга кириб кетишдан сақлаб қолайлик, бирлашиб моддий турмушимизни яхшилаш чорасини излайлик. Дўстлик — бу сўз нафақат йиғинларда, ҳатто кўчада, уйда, иш жойимизда, магазинда, бозорда — ҳамма жойда бир хил амалий мазмун билан янграмоғи керак!

Сабоҳат ТОЖИЕВА,
ишчи.



⊙ Севастополь — Россиянинг шуҳратга бурканган шаҳарларидан бири. У икки марта — Крим ва Улуғ Ватан урушларида қаҳрамонона мудофааси билан шуҳрат қозонган. Унинг кўпгина кўчаларн ва майдонларн шаҳар ҳимоячиларининг номи билан аталган, кўп сонли ёдгорликлар денгизчиларнинг жасоратн ҳақида ҳикоя қилади.

СУРАТДА: адмирал Корнилов ҳайкали.



⊙ Совет немисларининг «Тикланиш» Бутуниттифоқ ижтимоий-сиёсий ва маданий-маърифий жамиятининг Ульяновск вилоят ташкилотига турли жумҳуриятлардан ва вилоятлардан ҳар куни ўнлаб киши лар таширнф буюришади. Шу ерга қарийб ўн мингга яқин совет немисларн доимий яшашга тақлиф қилинган.

СУРАТДА: ака-ука Александр ва Виктор Брандтларнинг оилалари Виползово қишлоғидаги янги уйларда бир-бирига қўшни бўлиб яшашади. Янги ерда янги ҳаёт бошланмоқда...

ТАСС суратлари.

Бизни ўраб турган дунё

«ҚИЗИЛ КИТОБ»ГА ДАЪВОГАРЛАР

КУРРАМИЗДА нима кўп десангиз шубҳасиз ҳашаротлар. Мисол қилиб ниначилар, ёки ер шарида 1 миллион 200 мингдан кўпроқ турлар учраши аниқланган. Жумҳуриятимизда бўғиноёқлилардан 400 дан ортиқ ўргимчак ва 15 мингдан кўпроқ ҳашаротлар тури учрайди. Шу турлар орасида ўта гўзал, жуда кам учрайдиган, жумҳуриятимизда ўзига хос ҳаёт кечириш тарзларига эга бўлган, кам ўрганилган ҳашаротлар ҳам қайд қилинган. Ҳозирги техника тараққиёти даврида, муҳит шароитлари бутунлай ўзгариб кетганлиги оқибатида кўп турларнинг ҳаёти хавф остида қолди. Шу сабабли кам учрайдиган ва йўқолиш хавфи сезилаётган ноёб турларини ҳимоя қилишни биринчи галдаги вазифа деб ҳисоблаб, улар жаҳон миқёсида «Қизил китобга» киритилган. Кўпчилиқка маълумки, ҳайвонот дунёсини ҳимоя қилиш борасида СССР ва Ўзбекистон ССРнинг ҳам ўз «Қизил китоблари» чоп этилган, жумладан, биринчи марта жумҳуриятимизда «Қизил китоб» 1983 йилда босмадан чиққан. Кези келганда шу нарсани таъкидлаш равишда айтиш мумкинки, биринчи Ўзбекистон «Қизил китоби»га фақат умуртқали ҳайвонлар вакиллари киритилган эди. Айрим сабабларга кўра, бўғиноёқлилар вакиллари унга киритилмасдан қолган. Чунончи, 1984 йилда чоп этилган Бутуниттифоқ «Қизил китоби»га жумҳуриятимиз ҳудудида тарқалган қирққа яқин турли ҳашаротлар киритилган. Мисол қилиб ниначилар, арилар, икки қанотлилар вакилларини кўрсатиш мумкин. Шуни ачиниш билан қайд этамизки, бўғиноёқлиларнинг кўпгина турларн жумҳуриятимиз вилоятларида жуда кам учрайдиган бўлиб қолди, айримларн эса йўқолиб кетиш арафасида турибди. Махаон, апполон, мнемазина каби чиройли капалаклар, плотников асалариси шулар жумласига киради.

Биз жумҳуриятимиз ҳудудида фанда биринчи бор янги тур сифатида аниқланган, жуда кам учрайдиган ва ҳимояга муҳтож бўлган яна 21 ҳашаротларни «Қизил китоб»га киритишга тавсия этдик. Маълумки, 1993 йилда Ўзбекистон ССЖИ «Қизил китоби» қайтадан чоп этилади. Мутахассис сифатида қатъий айтаманки, шу рисолага жумҳуриятнинг вилоятларида учрайдиган 60 тур ноёб бўғиноёқлилар вакиллари киритилиши шарт. Шундагина табиатдаги муштараклик бузилмайди.

Ҳурматли рўзнома муштарийлари! Сизлардан илтимос қиламан: табиат қучоғида бўлганингизда бирор тур жонзодни ушламанг. Унга озор берманг. Табиатда ҳамма нарса ўзаро мувозанатда, бир-бири билан чамбарчас боғлиқ. Шу жиҳатдан олганда мавжуд бўлган бўғиноёқлилар вакилларига ўйламасдан қўл уриш салбий оқибатларга олиб келади.

Норқўзи ЭРГАШЕВ,
биология фанлари номзоди.

Муҳаррир
Э. М. ЭРНАЗАРОВ.

Акс садо

Неъматлар султони



ШУ йилнинг 11 сентябрида «Тошкент оқшоми» рўзномасида инсон меҳрига муҳтож неъ[мат» сарлавҳали мақола берил]ди. Уни ўқиб чиқиб ҳақиқатан ам неъматларнинг султони илган ноннинг қадрига етолиётганимиздан қаттиқ ташвишндим. Айниқса, ёшларимиз отасида ноннинг қадрига етаслиги ҳолларн кўп юз бержкда. Бунинг учун аввало биз иқсалар айбдормиз.

1917—1933 йиллардаги қаҳатчилик даврларида ҳам ахлоқ-одоб дарсида аввало нонни эъзозлаш ҳақида тушунтириш дарслари олиб борилса мақсадга мувофиқ бўларди.

Ҳозирги замонамизда, турмуш жараёнида гўшт, турли мевалар тобора қимматлашиб бораётганини сезиб турибмиз. Аммо нон маҳсулотларининг сероблиги ва тўкинлиги учун ҳам турмушимиздаги қийинчиликлар унчалик сезилмаяпти. Ота-боболаримиз бир пайтлар бизга ким нонни эъзозласа, ардоқласа муродига етади, деб таъкидлашар эдилар. Аммо эндиликда бундай насиҳатларни берадиган кишилар камайиб кетишди. Одамлар нон исрофгарчилиги орқасидан келадиган қатор ташвишларнни ўйламай қўйдилар. Нонни эъзозлаш, исроф қилмаслик учун аввало унинг қадрига етиш керак. Афсуски, айрим маросим, тўй ва маъракаларда бунга энд равишда иш юритилмоқда. Нонининг кўплигидан у ортиқча исроф бўляпти. Ушатилган нонлар дастурхонларнинг файзли жойларини эгаллаб ётган бўлишига қарамай, бутунлай фойдаланилмоқда. Бу ҳолга чек қўйиш вақти етмадимикан!

Яқинда хонадонимизда тўй қилдик. Тўйда ортиқча исрофгарчиликка йўл қўйилмади.

Ноннинг ушоғи ҳам — нон. Шундай экан бу табаррук неъмат ҳамиша дастурхонимизнинг тўрида бўлсин.

Абдуфаттоҳ НАБИХЎЖАЕВ,
жумҳуриятда хизмат кўрсатган маданият ходими.

Ҳозирги ўзгаришлар шабадаси мактаблар ҳаётига ҳам тобора кенг ёйилмоқда. Энди ўқувчилар илгаригидек шоиру ёзувчилар билангина учрашиб қўя қолмай, жамиятимизнинг турли табақаларига мансуб илғор кишилар билан ҳам қизиқарли кечалар ташкил этмоқдалар.

Яқинда «Отчопар» маҳалла оқсоқоллари шаҳримиздаги 117-мактаб ўқувчиларининг меҳмони бўлишди. Учрашув қатнашчилари маънавий қадриятларимиз ва одоб-ахлоққа доир кексаларимиз насиҳатларини тингладилар.

СУРАТЛАРДА: учрашувдан лавҳалар.

Т. Каримов суратлари.





Билса ҳазил, билмаса чин

Шу ҳам маданиятми?

МАМЛАКАТИМИЗ аҳолиси саводхонлик даражаси бўйича жаҳонда олдинги ўринларни эгаллайди. Китобхонлигимиз шунга бориб етганки, пировард натижада ҳамма жойда — метрода, автобусда, трамвайда, истироҳат боғларида, асалхоналарда ўтириб, туриб, шошиб кетаётиб ўқиётганларни кўриш мумкин. Ҳаётимиз маданийлашиб, дунёқарашимиз кенгайиб, маънавий эҳтиёжимиз кучайиб кетмоқда.

Масалан, эрта билан одам тирбанд трамвайга кетяпман.

— Оғайни, Маркесни қаердан топдинг? — қўлидаги китобни ўқишдан тўхтаб қаршисидаги ўриндиқда мутолаага берилиб кетган йигитдан сўради йўловчи йигит ўқиётган китобга кўзи тушиб.

— Москвадан бир танишим бериб юборди, — китобдан бошини кўтаргиси келмай жавоб берди у.

— Ҳозирги ёшларга ҳайронсан, — пойнакни варақлашда давом этаркан ичиллаб гап суқди олдингги қаторда ўтирган ёш жувон. — Ўз миллий адабиётини яхши билмай туриб чет элни кига ёпишишади... чет эл адабиёти, чет эл кийими, чет эл мусиқаси. Ўзимизники қуриб кетганми? Ана, Ўткир Ҳошимовнинг «Дунёнинг ишлари»ни ҳамма кутубхоналардан топиш мумкин. Ана китобу, мана китоб. Одамгарчилик... оқибат... миллий руҳ... вой! Амаки, сал қаддингизни кўтаринг, йўқса устимга босиб тушасиз.

— Ия, кечир қизим. Қўлим бироз толиб қолибди, ўзимни тутолмай... Ҳа, ҳозирги ёшларга қийин. Неварам бечора мактабдан кела солиб китобга ёпишади, фикр бу силкинишда қалқисаям уларни тарк этмади. Одамлар ҳамма нарсанинг фарқига етади. Ҳа, яшасин саводхонлик! Максим Горький бежиз ўзидаги барча яхши нарсалар учун китобга миннатдорлик билдирмаган.

Менинг фикримча савод маданиятсизлиқнинг ашаддий душманидир. Мана, шаҳримиз одамларини олинг. Ҳамма аллазамонлар саводли бўп кетган. «Ахлат ташланмасин! 50 сўм жарима!» деган ёзувни бор жойни ҳеч ким адашмай топиб келади ва албатта ахлатни ўша жойга тўкади. Бу нима, ўжарликми? Аксинча, одамлар савод билан бирга тартиб-қоидаларни ҳам унутмаганлар. Ахлат ташийдиган машина айнан мана шундай ёзувли жойлардан ахлат йиғиб кетишини билмайдилар дейсизми? Ҳамма билади. Қолаверса, транспорт эшикларидаги «Кириш», «Чиқиш» сўзларининг маъносини ҳам ҳамма беш қўлдай билади. Аммо, транспорт бекатга келиб тўхташи билан ҳамма тушадиганлар ўзини ташқарига, кирадиганлар чиқиш эшигига урадилар. Тартибсизлик-ку, деб ҳайрон бўларсиз. Асло! Автобус бекатга келиб тўхтар экан оломон тўфон сингари ҳаракатланиб унинг эшикларига урилади. Интизомли оломон аъзолари тушаётганлар учун ариқ очадилар. Тушадиганлар «оқими» шу ариқдан йўналиб чиқиб кетади. Тушаётганлар бир сонияга бўлса ҳам меровсираб қолсалар ўзларидан кўрсинлар, тушолмайдилар. Аксинча келган жойларидан қайтиб орқага чиқиб кетишлари мумкин бўлади. Албатта, бу ўз хоҳишларига кўра рўй бермайди. Чунки, бу босқичда ҳар бир ҳаракатнинг ўз тартиби бор. Эшикдан тушувчилар оқими тугаши билан оломон автобус ичқарисига йўналади. Оломоннинг йўналиши менга кум соатининг ҳаракатини эслатади. Қум соатидаги қумлар битта ҳам зарраси қолмай беш минут ичида пастга сирғалади. Оломоннинг автобусга чиқиши ҳам тахминан беш минутларни ўз ичига олади. Шу вақт ичида 76 кишига мўлжалланган автобусга бемалол 176 киши чиқиб кетади. Мана буни интизом деса бўлади. Энг кераклиги—ҳамма автобусда. Маданият деганлари шу эмасми?

Суннат АЗЛАРОВ.

ТИЖОРАТ ЖАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

КАСБ ТАНЛАЙМИЗ!

КУЙБИШЕВ НОҲИЯСИ ОЗИҚ-ОВҚАТ САВДО ТАШКИЛОТИ ҲУЗУРИДАГИ

14-МАКТАБ-МАГАЗИНИ

ҚИЗЛАРНИ

ТАКЛИФ ҚИЛАДИ



14-МАКТАБ - МАГАЗИНГА 8 ва 10-СИНФ МАЪЛУМОТИГА ЭГА, ТОШКЕНТ ШАҲРИДА ЯШАШИ РАСМАН ҚАЙД ЭТИЛГАН 16—25 ЁШДАГИ ҚИЗЛАР КИРИШИ МУМКИН.

Ўқиш муддати — 6 ой.

Бир вақтнинг ўзида кечки мактабда ёки Тошкент совет савдоси техникумида ҳам ўқиш мумкин.

Ўқиш даврида ҳар ойда 52—64 сўм миқдорида стипендия берилади.

Ўқиш даври меҳнат стажига қўшилади.

Битирувчиларга озиқ-овқат молларининг кичик сотувчиси малакаси берилади ва улар иш билан таъминланадилар.

ҲУЖЖАТЛАР 15 НОЯБРДАН БОШЛАБ ҲАР КУНИ, СОАТ 9 ДАН 13.00 ГАЧА ТОШКЕНТ ШАҲРИ, А. ТОЛСТОЙ КЎЧАСИ, 6-УЙДА ЖОЙЛАШГАН КУЙБИШЕВ НОҲИЯСИ ОЗИҚ-ОВҚАТ САВДО ТАШКИЛОТИНИНГ КАДРЛАР БЎЛИМИДА ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

Мактаб-магазиннинг манзилгоҳи: Луначарский узун кўчаси, 50, 14-магазин. Транспорт: 17, 24, 101-автобусларнинг, 17, 18-троллейбусларнинг «Партия мактаби» бекати ёки метронинг «М. Горький» станцияси.

КУЙБИШЕВ НОҲИЯСИ ОЗИҚ-ОВҚАТ САВДО ТАШКИЛОТИ.

«СОЮЗРЕКЛАМА» БУТУНИТТИФОҚ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БИРЛАШМАСИНИНГ ЎЗБЕКИСТОН РЕКЛАМА ИШЛАБ ЧИҚАРИШ КОРХОНАСИ.

ТОШКЕНТ ШАҲАР АҲОЛИНИ ИШГА ЖОЙЛАШТИРИШ, ҚАЙТА ЎҚИТИШ ВА КАСБГА ЙЎНАЛТИРИШ МАРКАЗИ

ИШГА ТАКЛИФ ҚИЛАДИ

ТОШКЕНТ МОТОР ЗАВОДИГА

ЮҚОРИ МАЛАКАЛИ МУТАХАССИСЛАРНИ

— рақамли дастур билан бошқариладиган дастгоҳларнинг операторлари, автомат линиялар ва агрегатли дастгоҳларнинг созловчи — операторлари, электрон системалар ва рақамли дастур билан бошқариладиган дастгоҳларнинг созловчи — операторлари, назорат — ўлчаш асбоблари ва автоматика бўйича чилангарлар, таъмирловчи — чилангарлар.

Завод шартнома асосида юқоридаги касблар бўйича ходимларнинг малакасини ўзгартиради ва ўқитади, Таълим «КАМАЗ», «ВАЗ», «ГАЗ» ва ҳоказо турдош ишлаб чиқаришларда ўтказилади. Ўқиш муддати — 3 ойгача. Ўқиш вақтида аввалги иш жойидаги ўртача ойлик маоши сақланиб қолади;

муҳандис — конструкторлар, технологлар, механиклар, электрончилар; болалар велосипедлари, мотоамортизаторлар, янги халқ истеъмол моллари ишлаб чиқарилишини ташкил этиш учун;

токарлар, штампловчилар, газ-электр пайвандчилар, механика—йиғув ишлари чилангарлари, саноат ускуналарини таъмирловчилар, эритувчи-қуювчилар, фрезерчилар, сайқалловчилар, бўёқчилар, техника назорати бўлими назоратчилари, консерваловчи-жойловчилар.

Ихтисоси бўлмаганлар заводда ёки Автомобиль-қишлоқ хўжалиги машиналари вазирлигининг илғор корхоналарида бирор касб эгаси бўлиши мумкин. Ўқиш муддати —2 ойдан 6 ойгача. Ўқиш пайтида ойига 100 сўмдан стипендия берилади. Меҳнатга ишбай-мукофотли, вақтбай мукофотли ҳамда билвосита-ишбай нарх-наволар бўйича ҳақ тўланади.

Ўқишдан кейин иш ҳақи 200 сўмдан 500 сўмгача.

1991—92 ЙИЛЛАРДА ЗАВОД ХОДИМЛАРИ УЧУН «БАХТ» МИКРОРАЙОНИ ҚУРИЛАДИ.

Ёлғизлар ётоқхона билан таъминланадилар, 3—5 йил мобайнида уй берилади.

ХИЗМАТ АВТОБУСЛАРИ ҚАТНАБ ТУРИБДИ.

Манзилимиз: Тошкент шаҳри, Оҳангарон шоссеси, 2-уй, 110 «э» автобус, 172-машрутли такси метронинг «М. Горький» станциясидан қатнайди; «Тошкент мотор заводи» бекати («Бахт» кўли). Телефон 98-47-77.

БОЛАЛАР ВЕЛОСИПЕДЛАРИ, МОТОАМОРТИЗАТОРЛАРНИ ЧИҚАРИШ БЎЙИЧА ЯНГИ ХАЛҚ ИСТЕЪМОЛ МОЛЛАРИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШИ ТАШКИЛ ЭТИЛГАНЛИГИ МУНОСАБАТИ БИЛАН:

токарлар, штампловчилар, газ-электр пайвандчилар, механика — йиғув ишлари чилангарлари, токарлик автоматларини созловчилар, эритиб қуювчилар, фрезерчилар, гальванчилар, термистлар, жило берувчилар, силлиқловчилар, бўёқчилар, техника назорати бўлими назоратчилари, консерваловчи — жойловчилар.

Ихтисоси бўлмаганлар Серпухов автомобиль заводида (Москва вилояти) 3 ой мобайнида бирорта касб эгаси бўлишлари мумкин. Ўқиш вақтида 100 сўмдан стипендия, яна меҳнатга вақтбай — мукофотли, ишбай — мукофотли ва билвосита — ишбай нарх — наво бўйича қўшимча ҳақ тўланади.

Уй-жойга муҳтож кишиларга уч йилдан кейин уй берилади.

Ёлғизлар ётоқхона билан таъминланадилар.

Маълумотлар олиш учун қуйидаги манзилга мурожаат қилинсин: Тошкент шаҳри, Фазогирлар шоҳкўчаси, 6-уй (Аҳолини ишга жойлаштириш маркази) ва заводнинг мутахассислар бўлимига (телефон 98-47-77).

ТОШКЕНТ ШАҲАР АҲОЛИСИ ДИҚҚАТИГА!

ТОШКЕНТ ШАҲАР ТЕЛЕФОН АЛОҚАСИ ВА РАДИОЛАШТИРИШ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БИРЛАШМАСИ ЎЗ ХИЗМАТЛАРИНИ КЎРСАТИШ ТАРТИБИ ВА ШАРТЛАРИ БОРАСИДА «ШАҲАР ВА ҚИШЛОҚ ТЕЛЕФОН АЛОҚАСИДАН ФОЙДАЛАНИШ ҚОИДАЛАРИ»ГА ТАЯНАДИ

УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

Абонентга ўрнатилган телефон жамоа фойдаланишидаги алоқа системасининг бир қисми бўлиб, бир кеча-кундузда ўртача 3-4 минутлик сўзлашувга мўлжалланган.

Шаҳар ва қишлоқ телефон алоқаси иши кеча-ю кундуз мобайнида амалга оширилади. Алоқанинг бу туридан фойдаланиш учун фуқароларнинг хонадонларида, корхоналар, муассасалар ва ташкилотларнинг хизмат биноларида телефон аппаратлари ўрнатилади. Бу фуқароларнинг, корхоналар, муассасалар ва ташкилотларнинг номига абонемент очилади. Телефон аппаратлари ва унинг қўшимча асбобларини абонентлар ўз ҳисобларидан сотиб оладилар.

Телефон номерлари ва алоқа линиялари фойдаланишга тақдим этилган ва номига абонемент очилган фуқаролар, корхоналар, ташкилотлар ва муассасалар ССЖИ Алоқа вазирлигининг абонентлари ҳисобланадилар.

Хонадонида телефон ўрнатилган ва бирининг номига абонемент очилган эр-хотинлар абонемент кимнинг номига очилганлигидан қатъи назар, телефон тармоғининг тенг ҳуқуқли абоненти ҳисобланадилар.

Аҳолига телефон тармоқлари абонентларининг телефон номерлари тўғрисида ахборот бериш учун алоқа корхоналари ўз таркибида маълумотнома ахборот хизматини ташкил қилади.

Алоқа корхоналари ўзларининг кирим-чиқим нисбатидаги ёки ўзлари техника хизмати кўрсатадиган таксофонлар, телефон алоқасининг линия ва станция иншоотларини соз ҳолда тутишлари, телефон алоқаси ишининг узлуксиз ва сифатли бўлишини таъминлашлари шарт.

ХИЗМАТЛАРНИ КЎРСАТИШ ТАРТИБИ ВА ШАРТЛАРИ

Хонадонига телефон ўрнатилишини истовчи фуқаролар алоқа корхонасига ёзма ариза берадилар. Хонадонларга телефон ўрнатиш тўғрисидаги аризалар шу ариза эгаси мазкур истиқомат манзилида қайд қилинган тақдирда ҳисобга олиб қўйиладилар.

Алоқа корхонаси аризаси ҳисобга олинганлиги ҳақида унга ёзма равишда маълум қилади.

Телефон ўрнатиш ҳақида аризалар алоқа корхонасида ҳисобга олинади ва сақланади.

Алоқа корхоналари ариза берувчига телефон ўрнатиш масаласи бўйича телефон орқали ёки ариза берувчи шахсан алоқа корхонага келиб учрашганда ҳам тегишли маълумотларни берадилар, шунингдек, ариза берувчиларга телефон ўрнатиш тўғрисида ариза расмийлаштирилаётганда ариза берувчининг телефон аппаратини телефон тармоғига улаш шартлари ва муддатларини маълум қилади.

Алоҳида хонадонга ёки коммунал хонадонга телефон ўрнатиш тўғрисида ариза шу хонадонда доимий қайд қилинган биргина шахсдан қабул қилинади.

Ана шу ариза асосида мазкур хонадонда доимий қайд қилинган барча фуқаролар телефон ўрнатиш ҳуқуқига эга бўладилар.

Янги истиқомат жойига кўчиб ўтилганда, шунингдек, мазкур телефон тармоғи ҳудудида бошқа-бошқа уй олиб (алмаштириб) кетган оилалардаги хоҳ алоҳида хонадонда, хоҳ коммунал хонадонда қайд қилинган барча фуқаролар телефон ўрнатиш тўғрисида аризани аввал истиқомат манзилидан кейингисига ўтказиш ҳуқуқига эга бўладилар.

Телефон ўрнатиш тўғрисидаги аризалар мазкур телефон станцияси хизмат кўрсатадиган ҳудуд бўйича навбат тартибида қондирилади.

Телефон станциясида бўш номерлар ва кабелда линиялар мавжуд бўлган тақдирда қуйидаги тоифадаги абонентларга навбатдан ташқари телефон ўрнатилади:

1-гуруҳ ногиронлари:

Улуғ Ватан урушининг 2- ва 3-гуруҳ ногиронлари:

ССЖИ Олий Кенгаши, иттифоқдош жумҳуриятларнинг Олий Кенгашлари, мухтор жумҳуриятларнинг Олий Кенгашлари, ўлка, вилоят Кенгашларининг депутатларига, Совет Иттифоқи Қаҳрамонларига, Социалистик Меҳнат Қаҳрамонларига, учала даражали «Шуҳрат» ордени нишондорларига, «КПСС сафида 50 йил» белгиси тақдим этилган Совет Иттифоқи Коммунистик партияси кексаларига.

Улуғ Ватан уруши қатнашчиларига ва уларга тенглаштирилган шахсларга.

ССЖИ Алоқа вазирлиги системасидаги корхоналар ва ташкилотларнинг «Иттифоқдош жумҳуриятда хизмат кўрсатган алоқа ходими», «Алоқа устаси» унвонига сазовор бўлган, шунингдек, телефон ўрнатиладиган пайтга келиб ёки пенсияга чиқиш олдидан алоқа корхоналарида камида 10 йиллик узлуксиз меҳнат фаолиятига эга бўлган шахсларга.

Телефон аппарати ва қўшимча асбоблар абонент кўрсатган жойга (бу жойлар телефон ўрнатиш билан боғлиқ техникавий мезон талабларига мувофиқ бўлган тақдирда) ўрнатилади.

Коммунал хонадонларда оммавий фойдаланишдаги телефон ўрнатилади. Шу хонадонда истиқомат қилувчи бошқа фуқаролар оммавий фойдаланишдаги телефон ўрнатилишини ёзма равишда рад этган тақдирда коммунал хонадонда истиқомат қилувчи битта кишига шахсий фойдаланишдаги телефон ўрнатилиши мумкин.

Коммунал хонадонда истиқомат қилувчи шахслардан бирининг аризасига кўра телефон оммавий фойдаланиш учун қайта ўрнатилиши мумкин. Бу ҳолда хонасида телефон ўрнатилган оиладан телефон ўрнатиш ишлари учун ҳақ олинмайди.

Агар телефон ўрнатилган вақтдан бошлаб 3 йилдан кам вақт ўтган бўлса, шу уйда яшовчилар тегишли телефон ўрнатиш ҳақининг тегишли қисмини аввалги абонентга тўлашлари шарт.

Абонент телефонлаштирилган хонадондан кўчиб кетган ҳолда алоқа корхонаси унга янги истиқомат жойига имтиёзли тарифларда ҳақ тўланган ҳолда телефон ўрнатиш учун асос бўладиган (абонент бўлими), тараққиёт цехининг бошлиғи томонидан имзоланган маълумотномани беради.

Бундай маълумотнома телефондан фойдаланганлик, шаҳарлараро телефон сўзлашувлари ҳамда телефон орқали кредит (қарз) йўли билан кўрсатган ва қабул қилинган телеграммалар учун қарздорлик бўлмаганда илгари коммунал хонадонда ўрнатилган телефондан фойдаланиб юрган абонент ёки шахс шу манзилдан кўчиб кетган кундан бошлаб ўтган 3 йил мобайнида унинг биринчи талаби билан берилади.

Абонент бир автомат телефон станцияси доирасида бошқа уйга кўчиб ўтган ҳолларда телефон кабелида бўш линиялар мавжуд бўлган ва кўчиб кирган уйда Улуғ Ватан уруши ногиронлари ва қатнашчиларининг телефон ўрнатиш бобида қондирилмаган талабномалари (аризалари) бўлмаган тақдирда унинг янги уйига телефон ўрнатилади.

Абонент телефонни кўчириб ўрнатишдан воз кечган ёки телефонни кўчириб ўрнатиш учун техникавий имконият бўлмаган ҳолларда телефон абонентнинг шу хонадонда қайд қилинган оила аъзоларидан бирининг аризасига кўра шу оилалар аъзоларининг ихтиёрига фойдаланиш учун ўтказилиши мумкин.

Собиқ абонентнинг янги истиқомат манзили бўйича телефон ўрнатиш тўғрисида аризаси навбат асосида имтиёзли ҳақ тўлаш тартибида қондирилади.

Қўшалоқ схемада уланган телефонлар фақат битта йўлак доирасида ёки бир қаватли иморатлар орасидаги қўшни уйлар доирасида кўчириб ўрнатилиши мумкин.

Ўша имтиёзли ҳақ тўлаш асосида маълумотнома берилмаган ҳолда абонент бошқа жойга кўчиб кетганда шахсий фойдаланишдаги телефон номери собиқ абонент билан бирга яшаб турган ва илгари шу манзил бўйича қайд қилинган оила аъзоларидан бирининг номига қайта расмийлаштирилади ёки агар телефон коммунал хонадондаги хонага ўрнатилган бўлса коммунал хонадон аҳли ихтиёрига оммавий фойдаланиш учун ўтказилади.

Ажралишган эр-хотиндан бири бошқа жойга кўчиб кетганда телефон шу хонадонда қолган эр ёки хотин номига расмийлаштирилади. Агар улардан бири балоғат ёшига етмаган болалар билан кўчиб кетаётган бўлса, техникавий имконият мавжуд бўлган тақдирда, унинг янги истиқомат жойига кўчириб ўтказилади.

Уй алмаштирилганда алоқа корхоналари абонентларнинг телефонларини алмашув вақтида ССЖИ Алоқа вазирлиги телефон тармоқларининг абонентлари ҳисобланган фуқаролар учун алоҳида хонадонларда ўрнатилган телефонлардан фойдаланишга ўзгартиради.

Фуқаролар яшаш шароитларини яхшилаш муносабати билан ва бошқа сабабларга кўра бошқа уйга кўчиб ўтганларида алоқа корхоналари кўчиш пайтига келиб ССЖИ Алоқа вазирлиги телефон тармоқларининг абонентлари ҳисобланган фуқаролар номига, ёхуд оила телефонлаштирилган хонадонда яшаган бўлса, шунингдек, телефондан фойдаланиб келган абонентнинг оила аъзолари номига, агар улар кўчиб кирган уй бўйича Улуғ Ватан уруши ногиронлари ва қатнашчиларининг телефон ўрнатишга доир қондирилмаган талабномалари бўлмаган тақдирда алоҳида хонадонларда ўрнатилган телефонлардан фойдаланиш учун абонементларни очадилар. Абонементни очишда тарифга мувофиқ равишда ўрнатиш ҳақи олинади.

Собиқ коммунал хонадонга кўчиб кирган оиланинг ҳеч бўлмаганда битта аъзоси кўчиш пайтида ССЖИ Алоқа вазирлиги телефон тармоғининг абоненти ҳисобланган бўлса бундай оила оммавий фойдаланишдаги телефонни шахсий фойдаланиш учун расмийлаштириш ҳуқуқидан фойдаланади.

Аҳолининг телефон алоқасига бўлган эҳтиёжларини бирмунча тўлароқ қондириш учун шахсий фойдаланишга мўлжалланган телефонлар қўшалоқ схемада уланиши мумкин. Худди шу мақсадда алоҳида линияда илгари ўрнатилган шахсий фойдаланишдаги телефонлар қўшалоқ схемада ишлашга ўтказилиши мумкин.

Телефонни қўшалоқ схемада ишлашга ўтказиш абонентнинг розилигисиз амалга оширилади.

Телефонларни қўшалоқ схема бўйича улаш масаласини ҳал қилишда оилада ногиронлар, оғир беморлар борлигини ҳисобга олиш лозим.

Агар абонент қўшалоқ телефонни улаш ишларига тўсқинлик қиладиган бўлса, унинг телефони узиб қўйилади ва абонент бу ҳақда алоқа корхонаси томонидан огоҳлантирилади.

Алоқа корхонаси агар қўшалоқ телефонни ўрнатиш учун қилинаётган тўсқинликлар бартараф этилмаса, абонементни ёпиш мумкинлиги тўғрисида абонентни огоҳлантиради. Мабодо бир ой мобайнида қўшалоқ телефонни ўрнатиш ишлари абонентнинг қилаётган тўсқинлиги туфайли бажарилиши мумкин бўлмаган ҳолларда унинг абонементи ёпиб қўйилади.

Янги телефон станцияларининг ишга туширилиши оқибатида телефонларни қўшалоқ схемага қайта улаш муносабати билан телефон номерларининг ўзгартирилиши абонентнинг розилигисиз амалга оширилади. Телефон номери ўзгаришидан камида 10 кун олдин алоқа корхонаси абонентга бу ҳақда хабар беради.

Маълумотлар олиш учун телефон 33-63-06.

ТОШКЕНТ ШАҲАР ТЕЛЕФОН АЛОҚАСИ ВА РАДИОЛАШТИРИШ БИРЛАШМАСИ.

„ЭЛЕКТРОНИКА"

«ЭЛЕКТРОНИКА» ФИРМАЛИ ДЎКОН-САЛОНИДА СИЗ НАҚД ПУЛСИЗ ҲИСОБ-КИТОБ ЙЎЛИ БИЛАН САНОАТ МОЙЛАРИ УЧУН «ДЕСТА» ҚОТИШМА ЭЛЕМЕНТЛАРИ: СОТИБ ОЛИШИНГИЗ МУМКИН

Қотишма Волга автомобиль заводи томонидан «ВАЗ» автомобилларини ишлатиб синовдан ўтказиш учун ҳамда саноат дастгоҳларида қимматбаҳо ва танқис чет эл мойларига алмаштириш учун синовдан ўтказилади ва тавсия этилди.

«ДЕСТА» ҚОТИШМА ЭЛЕМЕНТЛАРИ:

— ишлатиш жараёнида деталларнинг ишга яроқлилигини таъминлайди;

— «ВАЗ» двигателларининг қувватини 4,4 фоизга оширади;

— карбюратор двигателларининг ёқилғисини 6 фоизгача, дизель двигателларининг ёқилғисини 80 фоизгача тежайди.

— мойлар сарфини 2,5 фоизга;

— механика сарфини 7,6 фоизгача пасайтиради, компрессияни 12 фоизгача оширади;

—қишки ва ёзги мавсумда осонгина ёқилишини, двигателлар шовқинининг камайишини таъминлайди;

— ишқаланувчи юзаларнинг мустаҳкамлигини оширади.

Манзилимиз: Тошкент шаҳри, Гоголь кўчаси, 38-уй.

Маълумотлар олиш учун телефон 33-89-12.

«ЎЗБЕККОНЦЕРТ»

В. И. ЛЕНИН НОМИДАГИ ССЖИ ХАЛҚЛАРИ ДЎСТЛИГИ САРОЙИ

22, 23, 24 НОЯБРЬ СОАТ 19.00 да

ҲАМЗА НОМИДАГИ ДАВЛАТ МУКОФОТИНИНГ СОВРИНДОРИ, ЖУМҲУРИЯТДА ХИЗМАТ КЎРСАТГАН

«ЯЛЛА» АНСАМБЛИНИНГ КОНЦЕРТИ

Ансамблининг бадиий раҳбари Ўзбекистон ССЖ халқ артисти Фаррух ЗОКИРОВ.

Чипталар соат 11.00 дан сотилмоқда.

БИЛИМЛАР УЙИ

(Киров кўчаси, 24-уй)

28 ДЕКАБРДАН 10 ЯНВАРГАЧА ЯНГИ ЙИЛ БОЛАЛАР ТОМОШАЛАРИНИ ЎТКАЗАДИ

БОЛАЛАР, СИЗЛАР УЧУН АРЧА АТРОФИДА ЎЙИНЛАР, РАҚСЛАР, ДАВРА ЎЙИНЛАРИ, ЦИРК АРТИСТЛАРИ ИШТИРОКИДА

«ЭРТАКЛАР ОЛАМИГА САЁҲАТ»

КЎНГИЛОЧАР ДАСТУРИ ЎТКАЗИЛАДИ

ТОМОШАЛАР: 29 декабрь, 1, 3, 5, 7, 9 январда — ЎЗБЕК ТИЛИДА; 28, 30 декабрь, 1, 2, 4, 6, 8, 10 январда — РУС ТИЛИДА соат 10, 12, 14, 16.00 да бошланади.

Маълумотлар олиш учун телефонлар: 56-49-92, 56-55-89, 56-85-58.

Ўзбекистон ССЖ Маданият ва... М. Қориёқубов номли Ўзбек давлат ...

В. И. ЛЕНИН НОМЛИ ССЖИ ХАЛҚЛАРИ ... САРОЙИДА

5, 6 ДЕКАБРЬ СОАТ 19.00 ... ЎЗБЕКИСТОН ССЖ ХАЛҚ АР...

Камолиддин РАҲИМОВ КОНЦЕРТИ

Программани ЎТКИР СИДДИҚОВ ...

Чипталар сарой кассаларида соат 11.00 ... тилмоқда.

В. И. ЛЕНИН НОМИДАГИ ССЖИ ХАЛҚЛАРИ ДЎСТЛИГИ САРОЙИДА

25, 26, 27, 28 НОЯБРЬ СОАТ 19...

ЎЗБЕКИСТОН МАДАНИЯТ ЖАМ...

ЎЗБЕКИСТОН ЛКЕИ «ЁШЛАР ...

ЎЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕ ВА ... ҚЎМИТАСИ

«ПУШЕН» овоз ёзиш студияси ...

АНЪАНАВИЙ

«КАМОЛОТ—90»

ЖУМҲУРИЯТ КЎРИК-ТАНЛОВИНИ ... ЯНГИ ОВОЗ ВА ЯНГИ ИҚТИДОР ... НИНГ ЭНГ ЯНГИ ҚЎШИҚЛАРИНИ БИР... СИЗ ШУ ЕРДА ТИНГЛАЙСИЗ.

Сиз ўзингизга янги санъат юлдузини ... севгилингизга биринчи бўлиб янги қўшиқ ...

Ва ниҳоят 10 ва 11 декабрь кунлари соат ... да сиз «КАМОЛОТ-90» кўрик-танлови голиб... собот томошаларида иштирок этиб, санъат ... ижодлари билан чуқурроқ танишиш имкони... сиз.

КЎПЧИЛИК БЎЛИБ КЕЛИШ УЧУН ... ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

Мурожаат қилиш учун телефонлар: 45-...

Чипталар соат 11 дан бошлаб сотилади.

Ўзбекистон ССЖ театр арбоблари ... «ЎЗБЕКИСТОН ЮЛДУЗЛАРИ» ТЕАТР...

В. И. ЛЕНИН НОМИДАГИ ССЖИ ХАЛҚЛАРИ ... ЛИГИ САРОЙИДА

15 НОЯБРЬ СОАТ 19.30 ДА

Олмаота шаҳридаги машҳур эстрада ... ғистон телевидениеси «ТОМОША» телевид... нинг бошловчилари иштирокида

(Қозоғистон ССЖ Олмаота шаҳри)

ҲАЖВИЯ ВА ҲАЗИЛ КЕ...

ДАСТУРДА:

БАУРЖОН ИБРОҲИМОВ, УАЙС СУ... ТЎҚСОН ҚУЛИБЕКОВ, ДОНАГУЛ ТЕМ... ВА, БОЛТАБОЙ ТОШМАТОВ ва бошқалар ... лар.

«ТОМОША» дастурининг саҳналаштирувчи... ЛУҚПОН ЕСЕНОВ.

Касса ҳар куни соат 11 дан 19.00 гача ... 32-35-53 телефони бўйича оммавий талаб... қилинади.

ТЕАТР

МУҚИМИЙ НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУСИҚАЛИ ТЕАТРИДА — 15/XI да **Мансаб шайдоси.**

АБРОР ҲИДОЯТОВ НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ ДРАМА ТЕАТРИДА — 15/XI да **Паранжи сирлари.**

КИНО

15 НОЯБРДА

БАДИИЙ ФИЛЬМЛАР:

А. Навоий номидаги Санъат саройи — «КАРАХТЛИК» (катта зал, 15, 17, 19, 21.00);

Чайка — «ЕНГИЛМАС ОЕҚ» (15, 17.00); «МИСТЕР ПИТКИН ДУШМАН ОРҚАСИДА» (19, 20.45).

Москва — «ҚОНХЎР ХУДОЖЎЙЛАР» (15, 17, 19, 20.40).

Тошкент Советининг 50 йиллиги — «СИМЛИДАГИ МУҲАББАТ» (16, 18.30, 21.00).

ВЛКСМ 30 йиллиги — «ТАНҲОЛИККА МАҲКУМ ЭТИЛГАН» (жуфт соатларда);

К. Ерматов номли — «СЕНЬОР РОБИНЗОН» (тоқ соатларда);

Восток — «МАФИЯ НИНДЗЯГА ҚАРШИ» (тоқ соатларда).

16 НОЯБРДА

БАДИИЙ ФИЛЬМЛАР:

А. Навоий номидаги Санъат саройи — «КАРАХТЛИК» (катта зал, 11, 13, 15, 17, 19, 21.00); «ТАРЗАН ТУЗОҚДА» (кичик зал, 12, 15, 18, 21.00).

Чайка — «ЕНГИЛМАС ОЕҚ» (11, 13, 15, 17.00); «САМРАТ» (18.30, 21.00).

Москва — «ҚОНХЎР ХУДОЖЎЙЛАР» (11, 13, 15, 17, 19, 20.40).

Тошкент Советининг 50 йиллиги — «СИМЛИДАГИ МУҲАББАТ» (11, 13.30, 16, 18.30, 21.00).

ВЛКСМ 30 йиллиги — «ТАНҲОЛИККА МАҲКУМ ЭТИЛГАН» (жуфт соатларда);

К. Ерматов номли — «СЕНЬОР РОБИНЗОН».

ТОШКЕНТ оқшоми

(«Вечерний ... орган Ташкент... Компартии Узбек... родского Совета ... путатов.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмаханаси шаҳри.

МАНЗИЛГОҲИМИЗ: 700083, Тошкент ... часи, 32-уй.

ТЕЛЕФОНЛАР: қабулхона — 32-53-76; хатлар ... 32-53--79; жамоатчилик қабулхонаси — 32-55-...

Яншанбадан ташқари ҳар куни ўзбек ва ... мустақил чиқади.

140, 390 нусхада чоп этилади. Индекс: 64... 1, 2, 3, 4, 5, 6, 7, 8, 9, 10.